

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

ВАТАН, ФАХР ЭТСАНГ АРЗИЙДИ ФАРЗАНДЛАРИНГ-ЛА!



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Давлат ва халқ олдидаги ғоят катта хизматлари, мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини юксалтириш, қишлоқ хўжалиги соҳасида ислохотларни чуқурлаштиришдаги улкан ишлари ҳамда республикамизда ғалла мустақиллигини таъминлашда фаол иштироки ва қаҳрамонона меҳнатлари учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, Олий нишон «Олтин Юлдуз» медали топширилсин:

Абдуллаев Дўстмурод — Пахтачи тумани Р.Маҳманов номли ширкат хўжалиги бригада бошлиғи, Самарқанд вилояти;

Абдурахимов Абдували — Чортоқ тумани «Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги» номли ширкат хўжалиги бригада бошлиғи, Наманган вилояти;

Тошкент шаҳри,
1999 йил 3 август.

Алааматов Атахон — Марҳамат тумани У.Қорабоев номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, Андижон вилояти;

Раҳмонов Ғайбулло — Касби тумани Ш.Рашидов номли ширкат хўжалиги ижарачиси, Қашқадарё вилояти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.



Абдуллаев Дўстмурод



Абдурахимов Абдували



Алааматов Атахон



Раҳмонов Ғайбулло

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини юксалтириш, ғалла мустақиллигини таъминлаш ва республикамиз қишлоқ хўжалиги соҳасида кўп йиллик ҳалол хизматлари ҳамда жамоат ишларида фаол иштироки учун 130 нафар ишчи-хизматчи хужумат ордени, медал ва унвонлари билан тақдирландилар.

Биз барча мукофотланганларни қизғин муборакбод этамиз. Илоҳим осмонимиз мусаффо, эл-юртимиз озод, обод ва фаровон, юртдошларимиз кўнгли тоғ қадар юксалаверсин...

ЮРТИМ, ЯХШИ
КУНИНГ МУБОРАК БЎЛСИН!



ҚУТЛОВ



Сувлар ҳали сахий: оқар шарқираб,
Майсаларни яшил асрамоқ учун.
Кўёш ҳали сахий: ўтли ярқироқ,
Ёнига булутлар келолмас чўчиб.
Бу сахий дамларнинг умрини берсин,
Юртим, яхши кунинг муборак бўлсин!

Бугдойлар шовуллар денгиз шаклида,
Денгиз каби суяк, азиздир улар.
Дурдай бошоқларинг ҳаққи-хурмати,
Мағрур қоялар ҳам настроқ эгилар.
Далаларинг тўлсин, боғларинг тўлсин,
Юртим, яхши кунинг муборак бўлсин!

Олис яқинлардан келди дўстларинг,
Тилларида олқиш, кўзида ҳайрат.
Меҳнатингни қўшиқ этиб айтишди,
Дастурхонинг узра қилишди байрам.
Табиат ўзинга куч-қудрат берсин,
Юртим, яхши кунинг муборак бўлсин!

Қораяр чехралар, қораяр қўллар,
Қорайгани сайин бепойё майдон.
Буюклик заҳматинг ижоди фақат,
Заҳматлар яратар фақат қаҳрамон.
Кўнга бир берганинг минг бўлиб келсин,
Юртим, яхши кунинг муборак бўлсин!

ҚУТЛИБЕКА

ЎЗБЕКИСТОН:

АНГИЛИКЛАР, ВОКЕАЛАР
КЎЗГИСИДА

● 27 июль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилнинг биринчи ярим йиллигида республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ақунлари, иқтисодий ислохотларнинг бориши ҳамда иқтисодий ривожлантириш устувор йўналишларининг амалга оширилишига бағишланган мажлис бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов мажлисда маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари ўтган ярим йил давомида жамиятимизни ислоҳ қилиш, макроиқтисодий барқарорликка эришиш, иқтисодий барча соҳаларининг изчил ривожланишини таъминлаш йўлида яна бир муҳим қадам қўйилган

нини, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш масаласини муваффақиятли ҳал этиш учун шароит яратилганини таъкидлади.

● Мамлакатимиз ғаллакорлари улкан меҳнат зафарига эришдилар. Қарийб 3,6 миллион тонна ғалла йиғиб-териб олинди. Давлатга 2 миллион 205 минг тоннадан зиёд дон топширилиб, белгиланган марра шараф билан бажарилди. Хосилдорлик гектар бошига республика бўйича ўртача 31,1 центнерга етди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Фармони билан Американинг «Шаттл-Эндевер» космик кемасида фазони тадқиқ этишдаги жасорати, ўзбек миллатининг шон-шухратини юксалтиришдаги хизматлари ҳамда ёшларга коинот сирларини ўргатиш, уларни ватанпарварлик ва дўстлик руҳида тарбиялашда қўлган улкан ҳиссаси учун космонавт Солижон Шарипов «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди.

● 28 июль куни Нью-Йоркда БМТ Хавфсизлик Кенгаши «6+2» гуруҳининг Тошкент учрашуви ақунларини юқори

баҳолаб, уни Афғонистон муаммосини сиёсий йўл билан ҳал этишга эришиш йўлидаги муҳим қадам, деб атади.

● Бўстон шаҳрида Урта Осиёнинг таниқли ҳофизларидан бири, Ўзбекистон, Туркменистон, Қорақалпоғистон ва Татаристон халқ артисти, Ҳамза мукофоти лауреати Отажон Худойшукуров хотирасига бағишланган ёшларнинг биринчи республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.

● Пойтахтдаги «Туркистон» саройида иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармасининг 1999-2000 ўқув йили учун Президент гранти соҳибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

1997 йили «Умид» жамғармасининг илк қалдирғочлари Президент грантларини қўлга киритиб, ривожланган хорижий давлатларнинг нуфузли таълим даргоҳларида ўқиш имкониятига эга бўлган эди. Утган икки йил мобайнида 500 га яқин талаба хорижга ўқишга жўнатилди. Бу йил эса икки юзга яқин иқтидорли йигит-қиз хорижий мамлакатларда таҳсил олиш учун шай бўлиб турибди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов «УМИД» жамғармаси грантларининг соҳибларига табрик мактуби йўллади.

● Бахмал туманида яшовчи қирғиз миллатига мансуб фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга мактуб йўлладилар.

«Туманимизда ўн миллат вакиллари истиқомат қилади. Бу ердаги қарийб юз минг кишилиқ аҳолининг этти минг нафари қирғизлардир», - дейилади унда. «...Бахмалда ўзбек билан қирғизни, уларнинг хонадони ва турмуш шариоитини бир-биридан сира айри тасаввур қилиб бўлмайди: қишлоқларимизнинг чегараси йўқ, Уйларимизнинг деворлари ҳам худди қалб ва мақсадларимиз сингари бир-бирига тутшиб кетган. Туй ва маъракаларимиз ҳамкорликда ўтказилди. Чин дўст, ака-ука, опа-сингил, қадимдан қуда-андамиз. Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар рўбенини тўла таъминлашга ҳисса қўлиши учун кўпни қўлга бериб меҳнат қиляпмиз!»

ҚУВОНЧ ЎТКИНЧИ, МУСТАҚИЛЛИК АБАДИЙ

МУСТАҚИЛЛИК - МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

1. *Мустақиллик, Эркинлик, Озодликнинг қадрига етиш керак деганда сиз нимани тушунасиз?*
2. *Ўтган саккиз йил давомида шахсий ҳаётингиз, ишингиз, оилангизда, Сиз яшаётган жойда рўй берган қандай ўзгаришларни алоҳида таъкидлаган бўлар эдингиз? Ватанимиз истиқболи, фарзандларингиз келажагини қандай тасаввур этасиз? Улар тақдирини ўйлаганда кўнглингиздан нималар кечади? Зиммангизда бу борадаги вазифа ва масъулиятни қандай англайсиз?*
3. *Ўзбекистоннинг эртанги куни ва унда ўз ўрнингизни қандай тасаввур қиласиз? Ватанпарварлик ва миллий ғурур - сизни нималарга даъват этади?*



ЭРТАМИЗ ЯНАДА ПОРЛОҚ



1. Ватанимизда мустақиллик туйғули юз берган ижобий ўзгаришларни бир, икки деб санайдиган бўлсак, рақамлар етармикен? Биргина бунёдкорликни олайлик. Фаргона шаҳри марказида аллома бобомиз Аҳмад ал-Фарғоний юбилейи тантанаси муносабати билан барпо этилган муаззам майдон, маҳобатли ёдгорликни ҳар гал зиёрат қилганимда вужудимга куч-қувват тўлаётгандек туюлади. Банклар, лицей, коллеж бинолари, гузарлар, чойхоналар, никоҳ саройлари-ҳар битта қурилиш ўсаётган, юксалаётган руҳимизнинг сувартига, шаклига ўхшайди. Мен ҳар йили ёшларимизнинг "Умид" жағғармаси гранти совриндорлари бўлиб жаҳоннинг нуфузли университетларида ўқиётганидан яна бир қарра қувонаман, қувват оламан. Европанинг демократик қонун-қоидалари асосида шакланган тенгдошлари қаторида тенгма-тенг билим олаётгани ёшларимиз руҳиятида миллатимизнинг мингмиг йиллик гўзал қадриятлари тирик эканидан дарак беради. Бундан фарқланмай бўладими? Саккиз йил фурсатда ўзбек санъати дунёга чиқиб кетди. Ҳозир хоризнинг нозик дидли санъатсеварлари Муножат Йўлчиева, Юлдуз Усмонова, Муяссар Раззоқова каби хонандаларимиз тимсолида ўзбек қўшиқларини севиб қолдилар. Юлдузларимиз изидан турли рақс, фольклор, эстрада гуруҳларимиз ҳам дунё санъат майдонида ўз ўрнларини эгаллашди.

Бир санъаткор сифатида ўзим бу тан олинмиш, танилишларнинг барчасини бизга мустақиллик берган имкониятлар деб биламан. Ўзим шу йиллар орасида ўзбек санъатининг қардош Қозонигида ўтган кунларида иштирок қилдим. Камтарин меҳнатим "Қозонигида хизмат кўрсатган артист" унвони билан тақдирланди. Халқимизнинг яхши кунларида Фарғона қўшиқчилик мактабининг энг гўзал аъёнларини давом эттириб, куй-қўшиқларим билан хизмат қилиб юрибман. Истиқлол туйғули меннинг шахсий имкониятларим кенгайди. Шаҳримиздаги санъат мактабида эстрада йўналиши бўйича сабоқ бераман. Инсоннинг янги-янги қирраларини кашф этиш ҳам мустақиллик незмати.

2. Одамлар орасида кўп юрганимиз учун улар билан кўп суҳбатда бўламиз. Миллатимизда аста-секинлик билан бўлса-да маънавий интизом, ўз кўнглини бошқариш руҳияти пайдо бўлмоқда. Авваллари ақсарият тўй-ҳашамларда қанча одамларга спиртли ичимлик ичириб, юмалатиш ё яллагича нечта тугун, пул кистириш каби одатлар мезон бўларди. Бугун маданий, шовқин-сурондан узок, осойишта, ширин ўтиришлар юрори баҳоланмоқда.

Халқ чиннакам санъатни шовқин-сурондан фарқлаётди, матбуотда, телевидениеда фикрлар айтаётди. Санъат санъаткорлар доирасидан чиқиб, умуминг кўнгил мулкига айланмоқда. Миллат ҳар бир соҳаси ҳақида ўзи жон куйдириб, ўзи яхшилашга ҳаракат қила бошладими, демак, унда эгаллик туйғусининг даҳлдорлик туйғусининг уйғона бошлагани.

3. Мен Ватанимиз эртаси бугунидан яхши бўлишига қаттиқ ишонаман. Чунки саккиз йил давомида эришган ютуқларимиз кўнгилга шу ишонччи беради. Озод халқ қарам халқдан кўра харна қилганда ҳам яхшироқ ҳаёт толади. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Мен эртага ҳам мумтоз ашулалар куйлайман. Ва ҳар қанча тараққиётта эришсак ҳам мумтоз ашулаларимиз инсон кўнглини муҳаббат билан поклайдиган руҳий дарё бўлиб қолишига ишонаман.

Убайдулло АЛИЕВ, Фарғона, хонанда

ВАТАНДИН ЯХШИ ЁР БЎЛМАС



1. Мустақиллик, Эркинлик, Озодлик... Шу юрт тупроғида яшаётган ҳар бир киши бу сўзларни нафақат тушуниб, балки юракдан ҳис этиб яшамоғи лозим, деб биламан. Ватанимиз Истиқлолга эришганига саккиз йил бўлди. Шу қисқа давр ичида юртимизда кўплаб ҳайратомуз ўзгаришлар юз берди. Мустақиллик халқимизга энг аввало сўз-моддий ва маънавий бойликларини, ифтихори ва ғурур туйғуларини қайтариб берди. Ёшлар тарбиясига эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди, маънавиятимизни юксалтириш ишлари тобора авж олмоқда. Қолаверса, ёш юртдошларимизнинг нуфузли спорт мусобақаларида кўлга киритаётган жаҳоншумул ғалабалари, талабаларга қаратилаётган эътибор киши қалбини тўлқинлантиради.

2. Мен мустақил юртимиз ёшларининг бир вакилиман. Кўз ўнгимда юз бераётган буюк ўзгаришларни кўриб ҳайратланмай иложим йўқ. Озод юрт Ўзбекистон жаҳонга юз тутди. Ўзбекистоннинг эртаси, келажаги биз ёшларнинг қўлида. Юртбошимиз ва халқимизнинг биздан умиди жуда катта. Бироқ баъзи тенгдошларимизнинг оқ-қоранинг фарқига бормасдан қалтис йўлга қадам босиши кўнгилни хижил қилади. Биз уларни ҳам тўғри йўлга бошлашимиз зарур. Шу она-Ватан, озод юрт бизники. Шундай экан, юртимизни, халқимизни ардоқламоғимиз лозим. Унинг нурафшон ишларига муносиб ҳисса қўшиш

ни бурчимиз деб билмоғимиз керак.

3. "Ватандин яхши ёр бўлмас". Мен бу иборани бежиз ишлатмадим. Негаки, ҳар қандай дўст хиёнат қилиши, суйган ёр бевафолик қилиши мумкин. Лекин Ватан хиёнат ҳам, бевафолик ҳам қилмайди, ташлаб ҳам кетмайди. Бу исбот талаб этилмайди диган ҳақиқатдир. Яна бир ҳақиқат ҳам бор-Ватан учун ҳар қанча ёниб яшамайлик, қарздор бўлиб қолаверамиз.

Ўзбекистон буюк келажақ сари илдам одимлаб бормоқда. Янги асрда мамлакатимиз илм-фаннинг барча жаҳаларида жаҳоннинг етакчи давлатига айланишига ишончим комил. Шу босидан ҳам қалбимдаги ватанпарварлик ва миллий ғурур туйғулари аввало, ўзлимни англашга даъват этади. ХХI аср қуроллар билан эмас, балки гоёлар билан курашадиган даврдир. Бу даврнинг муносиб кишиси бўлмоқ учун биз замонавий илм-фан ютуқларини пухта эгаллашимиз, мустаҳкам таянч устунини ўзимиз-ўзимизда кашф этишимиз керак. Бу ҳаёт олдимида кўётган энг катта талаблардан биридир.

Мен ёшлигимдан журналист бўлишни орзу қилардим. Шу эзгу орзу мени ТошДУ журналистика куллиётига етаклади. Насиб этса олийгоҳ талабаси бўламан. Отанам, ёру биродарлар, халқимиз ишончини оқлаш йўлида ҳормай-толмай ҳаракат қиламан. Қалбимдаги нурли орзулар муқаддас айём сурури билан ҳамоҳангдир. Бу туйғу фақат олдинга, умидли келажакка бошламоқда.

Жаҳонгир ФОЗИЛОВ, ТошДУ, журналистика куллиёти абитуриенти.



Аёл кўнглини арзимаган нарса билан тоғдек кўтариш, арзимаган нарса билан чил-чил синдириш мумкин. Ахир Расулullo ҳам "умматларимнинг яхшиси-аёлига яхши муомала қиладиганлари", деб бежиз айтмаганлар.

Сиз аёлингизга, фарзандларингизнинг онасига зебу-зийнат, шоҳи-атлас олиб берманг, Сиз унга лоқаол бир кунда бир маротаба меҳр билан

қулиб қаранг. Сиз учун, фарзандлари учун елиб-югуриб, йўқни йўндириб тайёрлаган таомини, пиширган ширинликларини алқаб қўйингда, кейин унинг чеҳрасига бир назар таш-

яхши биласизми? Унинг руҳий олами Сизни қизиқтирадими? Ахир Сиз унинг суюнган тоғи, ишонган бөгисиз. Эр парварши қилса, у Сизга, фарзандларингизга минг ҳисса бўлиб қайтиши

ғимизнинг бизни тушуниши катта бахт. Бугунги кунда аёл рўзгорнинг бадастир бўлиши, қозонингиз биқилаб қайнаши учун "арава"ни

1999 - АЁЛЛАР ЙИЛИ

шаръий ҳуқуқи эканлигини унутманг. Зеро, эркак деган номингизни ота деган улуғвор ном билан алмаштирган ҳам мана шу ҳоқисор аёлингиз-ку?!

Азизлар, аёлларингизнинг кўзлари фақатгина севинч ёшлари билан намлансин, аёлингизни бағри бутунлик, тўрт кўз тугаллик, хонадонингизни вафо ва садоқат, тўкин дастурхонлар тарк этмасин.

Шу жонсарак аёл зотиға ҳамду санолар бўлсин, умри жониға Аллоҳнинг ўзи барака берсин. 1999 йилнинг ҳар бири куни умрингизнинг ёрқин ва бетакрор лаҳзалари бўлиб қолсин.

3. Муҳамедова.

АЁЛИНГИЗГА МЕҲР БЕРИНГ

ланг. Қаранг, аёлингизнинг кўзлари севинчдан қақнаб, Сизга адоқсиз меҳр, миннатдорчилик билан термуляпти.

Баъзан давраларда эркакларнинг: "Аёлим мени тушунмайди", - деган сўзларини эшитиб қоламиз. Ҳўш, Сиз уни тушунишга, кўнглига йўл топишга ҳаракат қилиб кўрдингизми? Аёл ҳам одам, унинг ҳам ўз олами, қизиқишлари, орзулари борлиги ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Сиз аёлингиз нимани хуш кўришини, нимага интилишини

шубҳасиз. Қийналганингизда Сизни тушунувчи, дада берувчи бир ҳоқисор йўлдошингиз бўлса мушук аҳволда қолганингизда тасалли берувчимиз бўлиши ҳам катта бахт экан. Биз заифлар жуфти ҳалолимиз эътибор қилишларини, қадримизга етиб яхши сўзлар билан эъозлашларини, меҳр кўрсатишларини умр бўйи қутиб яшаймиз. Менимча, оиладаги бахт бир-бирини тушуниши жараёнида вужудга келади. Тушуниш, яъни турмуш ўрто-

баравар тортишаётганлиги ҳам рост-ку?!

Оила-вафодорлик, садоқат ва муҳаббатдан мустажоб бўлган қасрдир. У ана шу маънавий бойликдан холи қолса дарз кетади, нурайди. Бир оилга бахт беролмаган, биттагина аёлининг кўнглини ололмаган эркакнинг қандай қилиб бошқаларга бахт беролмаган. Дарё бўлинг, уммон бўлинг майли, бироқ ундан биринчи бўлиб тоғи кўриш бахти энг аввало ўз оғизгаи муҳтарамангизнинг

- Муҳтарам Жўра Фаниевич, суҳбатимизи Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида", "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги қонунлари асосида таълимда қандай туб ўзгаришлар юз берганлигидан бошласак

- Республиканинг "Таълим тўғрисида", "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Қонунлари туб ислохотларнинг Бош дастури, қўлланмасидир. Мана учинчи йилдири кўп нарса тубдан ўзгариш: янги таълим стандартлари, ўқув дастурлари ишлаб чиқилиб, улар 1998-1999 ўқув йилида тажриба синовдан ўтказилди ва маъқуллаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритилди. Барча дарслик ва қўлланмалар ўқув дастурлари мазмунига мос тарзда янгиланди.

9-синф битирувчилари 2005 йилга босқичма-босқич касб-хўнажар коллежлари, академик лицейларга тўла қабул қилинишлари Хукумат дастурига киритилди. Жорий йилда 9-синфни битирган ўқувчиларни шу йилнинг ўзидаёқ таълимнинг турли шакллари билан қамраб олиш имконияти яратилди.

Барча халқ таълими бўлимлари қошида битирувчи синф ўқувчиларини касбга йўналтириш, 6,7 ёшли болаларни мактабга психологик, руҳий ва жисмоний тайёргарлигини белгилаб берадиган ташхис марказлари иш бошлади. Шунингдек, иқтидорли болаларни танлаш, тарбиялаш бўйича ҳам шаклланган, илмий асосланган тизим барпо этилди.

Бугунги кунда таълим мусоасалари ҳеч қандай тўсиқларсиз, чеклашниларсиз ривожланган хорижий мамлакатлардаги ҳамкасблари билан мустақил тарзда алоқа ўрнатиш, имкониятига эга бўлдилар. Болалар боғчалари энгиз таълимнинг илк босқичи сифатида болаларни мактабга тайёрлаб бериши керак.

- Бунда ота-оналарнинг вазифаси нимада деб ҳисоблайсиз?

- Олиб борилган педагогик тадқиқотларнинг хулосалари, ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, болалар айнан 3-5 ёшларидан шахс сифатида атроф-муҳитга, ижтимоий жараёнларга, рўй бераётган воқеа ва ҳодисалар сабаблари билан олишга қизиқиши кучли бўлар экан. Шу асосда Вазирлик томонидан "Мақтабга тарбияга қўйилган Давлат талаблари"

дастури ишлаб чиқилди.

Лекин масаланинг бошқа мураккаб томони ҳам борки, педагогик жараёнда буни ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Бизда мактабга тарбия ёшдаги болаларнинг 20 фоизига яқинигина болалар боғчаларига қатнайди. Қолган 80 фоиз болаларни қандай қилиб мактабга тайёрлаш керак? Айнан шу ўринда ота-оналар ёрдамига қатта умид боғлаганимиз. Болани мактабга жисмоний, руҳий, маънавий тайёрлаш бўйича ота-оналар учун алоҳида ўқув дастури ишлаб чиқилган ва у синовдан ўтказилмоқда. Ота-оналар учун махсус ўқув қўлланмасини яратиш бўйича мутахассислар изланмоқдалар.

- Мақтаб билан оила ҳамкорлиги ҳақида кўп гапирамиз. Сизнингча бу ҳамкорлик қай тарзда йўлга қўйил-

хатдан табақалашиб қолаётганлигидир. Мақтаб билан оила ҳамкорлигида бу масалага алоҳида эътибор қаратиш зарур. Мақтаб қонун-қоидалари ҳамма учун бир ва унга ҳамма бирдек риоя қилиши шарт. Ўқувчилар ота-оналар, педагоглар томонидан маъқулланган махсус либосда мактабга келишлари талаб этилади.

- Кам таъминланган оилаларнинг болаларини ўқий даврида ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қандай ишлар қилинмоқда?

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўқитувчилар ва ўқувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори кам таъминланган оилалар фарзандларини ижтимоий ҳимоя қилишни кўзлайди.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯГА ҲАММА МАСЪУЛ

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж.Ф.Йўлдошев билан суҳбат

са мақсадга мувофиқ бўлади?

- "Қуш уясида кўрганни қилади" деганларидек, энг аввало ота-оналар ўз фарзандлари кўз олдида ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, ўзаро муносабатда инсон камолатининг тугал бир намунаси сифатида намоён бўлмоқлари керак. Шунда ота-онанинг гўзал инсоний хислатлари боллага ўтади. Бу ҳақда вазирлик томонидан ишлаб чиқилган "Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги концепцияси"да алоҳида кўрсатиб ўтилган. Мен мактаб билан оила ҳамкорлиги деганда ота-оналарнинг ўз фарзандларига шахсий намуна бўлишларини биринчи ўринга қўйган бўлар эдим. Иккинчидан, Ота-оналар ўз фарзандларининг мактабдаги, маҳалладаги, дўстлари даврасидаги юриш-туришидан батафсил воқиф бўлиб туришлари, бола ахлоқида салбий ҳафти-харакатлар қуртак ёзмалиги учун ҳарқат қилмоқлари керак. Ота-она доимо мактаб билан узвий алоқада бўлиб туришлари лозим.

Кейинги пайтларда мактаб ва оила муносабатида яна бир ижтимоий иллат илдиз отмоқдаки, бундан кўз юмиб бўлмайди. Бу ўзига тўқ оилаларнинг болалари билан ўртамайна ёки кам таъминланган оилалардан чиққан фарзандларнинг кийинишида, юриш-туришида, ўзини тутишида ижтимоий жи-

Мана уч йилдири, 1-синфга ўқишга келаётган ўқувчиларнинг барчаси ўқув қуроллари ва дарсликлар билан бепул таъминланмоқдалар. 1999-2000 йилда мактабга келиши қутилаётган 1-синф ўқувчиларини ҳам шундай имтиёзлар кутмоқда.

1997 йилдан бери кам таъминланган оилаларнинг бошланғич синфларда ўқийдиган болалари бепул иссиқ кийим билан таъминлаб келинмоқда.

Маълумки, 1998 йилдан бошлаб дарсликларни асраб-авайлаш, улардан фойдаланиш муддатини узайтириш, дарсликлар сифати ва мазмунини яхшилаш мақсадида китоб ва ўқув қўлланмаларидан фойдаланишнинг пуллик шакли жорий қилинган эди. Айни пайтда дарсликлар меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, махсус мактаб-интернатларнинг ўқувчиларига бепул берилади. Мақтаб ўқувчиларини дарсликлар билан тўла таъминлаш, кам таъминланган оилалар фарзандларига дарсликлар олишида ижтимоий кўмак бериш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилди. Энг аввало, таъкидлаш керакки, Республикада дарсликларнинг таннаҳри Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ичида энг арзон белгиланган, қолаверса мактаблар кутубхона фондларида бу-

МУСТАҚИЛЛИК ВА ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ

гун 35 млн.дан ортиқ фойдаланишга яроқли китоблар бўлиб, улар бепул берилади. Ва ниҳоят, Республика бўйича минглаб идоралар, ташкилотлар, корхоналар, хўжаликлар борки, улар ўз оталиқларидаги мактаб ўқувчиларини дарсликлар билан бепул узлуқсиз таъминлаб келмоқдалар.

Ўтган йили таълим қардош халқлар тилларида олиб бориладиган мактабларни дарсликлар билан таъминлашда бироз қийинчиликлар бўлди. Шунинг назарда тутиб, жорий йилда Республика ҳукумати бундай мактаблар учун дарсликлар харид қилишга тегишли валюта ажратди.

- Ҳозирги пайтда ўқувчиларни миллий истиқлол гоёларига содиқ қилиб тарбиялашда қандай иш шакллари амал қилмоқда?

- Президентимиз тақрор ва тақрор таъкидлаганларидек, мафқуравий ишда изчиллик бўлмаса, иш сувайтирилса ёки лоқайдликка йўл қўйилса, жамият аъзолари онгда бўлишқ пайдо бўлади ва гоёвий муҳолифларимиз ундан ўз ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланадилар. 16 феврал воқеалари ҳам ишларимизда жиддий камчилик ва нуқсонлар борлигини кўрсатади. Бу ҳол амалдаги мафқуравий ишларимиз шакли ва услубларини тубдан қайта кўриб чиқишимиз зарурлигини талаб этмоқда. Вазирликнинг жорий йил 30 июндаги 117-сонли буйруғи билан тасдиқланган тадбирларида бу соҳада вазифалар батафсил белгилаб берилди.

Буйруқда алоҳида таъкидланадики, мактаб ўқувчиларининг ҳаммаси ўз қизиқиши бўйича синфдан ва мактабдан ташқари таълим шакллари билан қамраб олинсинлар. Бундай клублар, тўғрақлар, спорт секциялари машғулотларини йўлга қўйишга ота-оналар ҳам иштирок этсалар айни муддао бўлар эди.

Юқорида баён этилганлардан хулоса шуки, маҳалла, оила, ота-оналар бола тарбиясида мактаб билан елкама-елка бўлишлари зарур. Шунда "таълим-тарбия — умумхалқ иши" деган давъат ижобат бўлади.

- Суҳбатингиз учун ташаккур.

Суҳбатдош:
Ҳамдам ТҮЙЧИЕВ.

РЕДАКЦИЯГА ТЕЛЕФОН КЎНГИРОКЛАРИНГИЗДАН БИРИ...

- Алло, редакциями? Дардимни айтиб енгиллашмасам жудаям қийналиб кетдим. Ўқийдиган бизни бир корхонага практикага юборишганди. Шу ерда менга бир йигит ёқиб қолди. У эса менинг дардимни сира сезмади. Мана энди практикамиз ҳам тағди. Энди бу ерга қайтиб келмаймиз ҳам.

"Йўлини топиб дардингизни унга айтинг эди-да," дейсизми? Ахир киз бола биринчи бўлиб йигитга бу ҳақда айтолмайди-ку. Тўғри, "Сиз менга ёқиб қолдингиз"-деган гап ёмон гап эмас. Лекин у мени нотўғри тушунсачи. Кунлардан бир кун турмуш қургандан сўнг "Сен ўзинг орқадан юргурсан, ҳоли-жонимга қўймай тегиб олгансан",- деб таъна қилмасмикан... "Дил изҳорингизни айтолмай, кейин бир умр армон қилиб юрманг тагин",- депясизми. Дугонам ҳам нукул шундай дейди.

Энди шундан бошқа иложим ҳам йўқ, шекилли. Ўқишлар туғаша биланоқ уйдагилар мени сўраб келатган совчилардан бирига розилик бериб юборишмоқчи. "Шунча юр-

ганинг етар энди",- дейишяпти. Энди ўйлаб ўтиришга ҳам вақтим йўқ... Дугонам орқали уни қақиртираман-да...

Албатта нима бўлганини сизларга ҳали телефон орқали хабар қиламан...

РЕДАКЦИЯГА ТАШРИФЛАРИНГИЗДАН БИРИ...

- Ие, Мунисахон кўринмай кетдингиз. Эсонмисиз, омонмисиз? Ҳаётингизда янгиликлар бўлдими?- сўраймиз, редакцияга ташриф буюрган эски танишимиз билан кўришарканмиз. (Унинг мактубини газетамизнинг ўтган сонларидан бирида чоп этгандик. У 38 ёшда, болалар врач, икки фарзанди билан Тошкентга кўчиб келган. Ҳаётда ўзига бир дўсту ҳамкор, суянч устуни бўладиган, фарзандларига меҳрибон оталик қила оладиган киши бўлса турмуш қуриш ниятида эканлигини ёзганди. Унинг номига келган мактубларни қўлига топширганмиздан буён энди кўришарканмиз.

- Э, сўраманг, омад мөндан юз буриб кетганим, ҳали ҳамон ҳаловатимни тополганим йўқ. Бу орада ишдан бўшаб туманимизга бориб яшаб ҳам келдик.

Ҳозир бозорда тижоратчилик

қилувчи синглимникида яшаб турибмиз. Унинг рўзғорига қарашяпман, бозор-ўчар қиланман, овқатини пишириб бераман, кир-чирини юваман. Баъзида хўрлигим ҳам келади-ахир мен олий маълумотли врачман-ку. Ундан кейин, биронинг уйида-рўзғоридан бир кун яшайсиз, икки кун...

Ўзингизга келган хатлар эгалари билан хабарлашдингизми?

- Аслида бу пешонани уриб кетган экан. Сўраганлардан бири уй-жойсиз, касбу корсиз бўлгани учун менга тўғри келмади, бирига эса болаларим борлиги учун мен ёқмадим, яна бири билан дунёқарашимиз тўғри келмади. Ишқилиб бахт йўлим берк. Нима қилай?...

Эҳ, қанийди, тўппа-тўғри бахт сари олиб борадиган йўлнинг аниқ йўлланмасига эга бўлсайдиқ, уни барча яхшиларга улашган бўлардиқ. Лекин бу қўхна ҳаёт қонунини шундайки, ўз бахт йўлини ҳар бир одамнинг ўзи топиши керак. Мунисага Оллоҳдан ўзи ва болалари учун яхшиликлар сўраб сабр-қаноат билан яшашини талаб қоламиз. Насиб этса, Муниса бахт йўлини албатта ўзи топади ва бундан бизни огоҳ этади.

РЕДАКЦИЯГА МАКТУБЛАРИНГИЗДАН БИРИ...

Ана шу аёллар йилида қайнонам биз билан бўлмасаларда уларни тез-тез хотирлаб тураман. Менинг 5 нафар фарзандим бор. Раҳматли қайнонам билан 18 йил бирга яшаб уларга жуда ҳам ўрганиб қолибман. Мана бир йилдири қайнонамни қидириб йўғлайман. Лекин энди у кишини аҳён-аҳёнда тушларимдагина кўраман ва яна кўргим келаверади.

"Бийижон, мана бир йилки хануз биз ўғлингиз, набираларингиз сизни эслаб соғиниб яшаймиш, нима учун бунча эрта бизни ташлаб кетдингиз, деб йўғлайман. Бийижон, телевизордан Юлдуз Усмонованинг Она ҳақидаги ашуаларини эшитиб тўйиб-тўйиб йўғлайман. Бийижон, маслаҳат-гүйим, суянчим, меҳрибонимиз эдингиз-ку, сиз. Бийижон, сиздан орқада қолиб, фақат сиз ўргатган иш ва маслаҳатларингиз билан яшаб юрибман, сизни ҳар кун эслайман. Биз бир-биримизга қайнона-келин эмас, она ва киз эдик. Бийижон, сизга Оллоҳ таолодан фақат энди у дунёингизни сўраб яшаймиш. Илоҳим жойингиз жаннатда бўлсин. Бийижон..."

Саноат,
Қарши шаҳри.

ИКРОР

Ўзимни ўзим ўлдираман!

Бошимдан биров бир челак совуқ сувни куйиб юборгандек бўлди. Муҳаббат ҳақидаги кино-ю китоблар қизимнинг тарбиясига шундай таъсир кўрсатган экан-да.

Шундан сўнг ҳамма ишни йиғиштириб қуйиб, "қиз боқиш" билан машғул бўлиб қолдим. Уни бир дақиқа ҳоли қолдиришга кўрқаман. Худди жонига қасд қилиб қўядигандай бўлаверди. Телевизорни бутунлай буздириб ташладим. Қўлига Исо Термизийнинг Ҳадислар тўпламини тутқаздим. Нима десангиз денг, мен шундай қилиб "муҳаббат"га ёв бўлдим. Менга бундай муҳаббат керак эмас. Қизим эса мендан қаттиқ хафа. Аслида мен унинг бахти эмас, заволига завол бўлдим. Хафа бўлса бўлар, завол бўлмасин...

Қандайдир ижобий натижаларга эришганга ўхшайман-у, аммо кўнглим ҳамон хавотирга тўла. Қолаверса, из-изидан яна етти бола буй етиб келяпти. Бирини назорат қилсам, иккинчисига улгура олмаي қоламан... Шундай пайтда "Туғавер" деб қистайдиган мархума қайнонамни ёзгириб қўяман. Аммо аслида "ҳисобини йўқотган" ўзимни чопгулик... Оилани режалаштириш ҳақида гап кетса, ҳақрим келарди. Болани биров тўса, биров боқса... Сенларга нима, мунча куйиб пишсанлар дер эдим. Энди бўлса ўша гаплар умумнинг, жумладан менинг ҳам фойдам учун айтилганини тушуниб турибман.

Тагин яна газетга ёзиб юрман. Юрагим тўлиб кетган эди, бир бўшангидек деб тўкилдим-да. Ёзсангиз ҳам исимини ёзманг, тагин қариндош-уруғлар гап қилиб юрмасин. Менга эса бу аёлнинг исми эмас, дилидаги дарди, айтадиган гапи муҳим эди. Сизларга шуни етказдим.

Жамила ЭРҒАШЕВА

- Саккиз фарзандим бор, - дея сўз бошлади суҳбатдошим. - Турмуш ўртоғим ёлғиз фарзанд бўлган. Шу боис қайнонамнинг "Туғавер келин. Ўзим боқиб бераман. Болаганим ўзидан кўпайсин", - деган сўрловларидан ўтолмай, болаларни кўпайтираверибман. Болалар ҳам денг, бир-биридан ширин. Оёққа кириши билан момосиники бўлади-қолади. Менинг эса яна бола суйгим, бола эмиггим келиб қолади. Эрим ҳам "Юраверасанми энди? Қоравоинг ҳам момосига тобин бўлиб кетди. Ўзимиз учун битта туғ", деб бир-икки бор хиралик қилган, қандай қилиб катта бир ташвишни зиммамга олиб қўйганимни ўзим ҳам билмай қоламан.

Аммо йиллар ўтиши билан кесксларнинг "Бола катта бўлган сайин ташвиши ҳам катта бўла боради", деган гаплари нечоғли ҳақиқат эканлигини юрак-юракдан ҳис эта борардим. Аввал рўзғор халтани кенгайтириш гамига тушдик. Бунинг учун рўзгорини болапарвар қайнонамга бутунга топшириб, мактабдан бирваракайига икки навбатлик иш олдим. Ахир болаларимизнинг олди ўзимиз билан баравар қиядиган, ейдиган бўлиб қолган эди. Қолаверса, улар битта-иккита эмас...

Қайнонамни худо кўп кўрдими, бир оқшом "мазам бўлмаяпти" деб кўрпатушак қилиб олди-ю, қайтиб турмади... Энди уйга қаровчим бўлмасам ҳам дарсларимни камайтира олмадим. Амал-тақал қилиб, кичиналаримни боғчага топшириб, ойга ҳам, ишга ҳам ўзим улгуришга ҳарқат қила бошладим. Тўри, нималарга улгурдим, нималаргадир улгура олмадим, ҳарқалай яхшими-ёмонми кунлар ўтаверди. Фақат бир нарса... Ўзимнинг озиб тўзиб кетганим, болаларимнинг бири қуйиб, бири касал бўлиши ҳам майлику-я, эрим "уй безори" бўлиб қолди. "Эрим ёмон йўлга кириб кетди" демайман-у, аммо ўзига қарашга умуман вақти йўқ аёл, ҳамиса ҳам саранжом-саришта бўлиб турмайдиган уй, ҳар нарса учун талашиб, жиҳиллашаврадиган болаларнинг унга ҳеч қандай

қизиги йўқлигини тушуниб турардим. Ҳаммаси ҳам майли. Агар тўнғич қизим Ҳилола ҳаммамизни танг аҳволга солиб қўймаганда, бориға шўкр қилиб яшайверардим.

Мен она бўла турган ҳаммадан сўнг эшитдим. Эмишки, Ҳилола маҳалламиз-

зар-писанд қилмаяпман. Аслида Оллоҳнинг олдида бой ҳам, камбағал ҳам, муаллима ҳам, қоровул ҳам бир хил даврга эга банд. Акалари эса ноинсоф кишилар томонидан йўлдан урилган, тўхмат қурбони бўлган жабрайдалар... Бирон ижобий натижага эриша олма-

«ЗАВОЛИНГГА ЗАВОЛ БЎЛДИМ, БОЛАЖОН»

даги Рустам пиёнистанинг учинчи ўғли билан "юрар" эмиш.

Бу гапни кулиб-кулиб, қандайдир истеҳзо ариллаш айтган кўшни хотинга бепарво қўл силтаб қўйдим.

- Тенг-тенгги билан, тезак қоли билан деганлар. Рустам пиёниста ким-у, биз ким? Бир камим икки ўғли қамоқда бўлган пиёниста билан ҳамтовок бўлиш эди!

- Ҳа, энди ўзингиз билсангиз, қиз сизники. Қизингиз билади. Аммо отаси пиёниста бўлса ҳам, Ҳаким жуда чиرويلى йигит.

- Юзи қурсин, илоё.

Қизимдан ҳам шу гапни кутган эдим. Қизим бўлса, ранги бир ўзгарди-ю, кейин тиззаларини кучоқлаб ўтирган қўйи:

- Она, Ҳакимжон жуда яхши йигит, мен уни яхши кўраман, -деса бўладими?

Шундай пайтлари ҳамма оналар қандай йўл тутса, мен ҳам шундай йўллари тутдим: уришдим, йиғлаб сиктадим, урдим. Илло, уни сўзидан қайтара олмадим. Гапираверсанг бети қотади, ураверсанг эти қотади, деганлари рост экан. Ўн олтига тўлмаган қиз юзимга салчиб, баравар гап талашадиган бўлиб қолди.

Эмишки, мен-эскича фикрлайдиган аёл севги-муҳаббат нелигини тушунмаяпман, бўлганим бир муаллима-у, туппа-тузук бир инсонни пиёниста, камбағал деб на-



бораётганини кўрган экан...

Уч милиционер билан бориб, "Қизимни тоғиб бермасанг, бу ўғлингни ҳам турмага тиктираман" деб туриб олдим. Бир вақт пиёнистанинг хотини "қизинг бошингдан қолсин" деб ичкари уйдан йиғлай-вериб қўзлари шишиб кетган Ҳилолани судраб чикди.

- Қиз керак бўлса, йиғиб ол. Иккинчи марта ўғлим билан гаплашадиган бўлса, уриб оёғини синдираман.

Уйга келган, қизимга йиғлаб ёпишдим: - Болагинам, сен эндигина 16 га тўлдинг. Ҳақиқий муҳаббат нималигини сен хали тушунмайсан. - Жульетта Ромеони севиб қолганда ўн тўрт ёшда эди. Агар мени Ҳакимга бермасангиз, мен ҳам худди Жульеттадек

УЙИМНИНГ ФАРИШТАСИ

ЯХШИ ХОТИН — ЖОН МАЛҲАМИ

Рафиқам Тозагул Ҳўжон қизй билан 53 йилдан бери, худого шўкр, соғ-саломат, ҳавас қилса арзайдиган турмуш қуриб келяпмиз. 1939 йили ноябр ойида армия сафига қақрилиб, 1946 йилнинг апрел ойида ҳарбий хизматдан бўшаб келдим. Иккинчи жаҳон урушининг биринчи кунидан то Ғалаба тонги оттунга қадар ҳаракатдаги армия сафида-Ғарбий, Калинин, 3-Белоруссия, Болтиқ бўйи ва Бойқол орти фронтларида бўлдим, немис-фашист босқинчиларига, япон милитаристларига қарши олиб борилган ҳаёт-мамат жанрларида фаол қатнашдим. Икки марта ярадор ва бир қатор контузия бўлганман.

1946 йил 6 ноябр куни камтарона никоҳ тўйимиз бўлди. Урушдан кейин турмуш оғир, бозор қиммат эди. Тозагул уйимизнинг бору йўғига кўнди, мен яхши кийинишим керак, бу ёшлик фасли ўтиб кетади, деб инжиқлик қилмади. Онамдан бошлаб қариндош-уруғларга, қўни-қўшниларга, маҳалла аҳлига эътиборли бўлди, хурмат-иззат билан қаради. Урушда қон кечган одамнинг кўнглини топиш осон эмас. Тозагул кўнглимни толди. Уй ичидаги майда-чуйда, икир-чикирларни, камчилик ва етишмовчиликларни вазиминлик ва босиқлик билан энгишга ҳарқат қилди, ҳар кимга ўзига яраша муносабатда бўлди, яхши қайнона деган ном чиқарди.

Умр-оқар дарё, дерлар. Ҳаётнинг кўпгина аҷиб-чўққуларини кўрдик. Тозагул билан олти нафар фарзандни тарбиялаб, камолатга етказдик. Икки ўғлимиз, тўрт қизимиз ўз касблари бўйича хизматдадирлар. Ҳаммалари олий маълумотли-бири иқтисод фанлари номзоди. Иккинчиси ҳуқуқшунос, учинчиси биолог, тўртинчиси психология фанлари номзоди, бешинчиси филолог, олтинчиси биология фанлари номзоди. Тозагул ҳар битта фарзандимиз билан бирга боғча боласи, мактаб ўқувчиси бўлди. Вояга етгач, сирдоши, дўстига айланди. Нева-ралар билан бирга рафиқамнинг учинчи умри бошланди. Мен бўлсам хизматда бўлиб, газетачи сифатида кўпича тонго-

тар кечаларни таҳририятда ўтказардим. Давлат ва жамоат ишлари билан банд бўлиб, уйга жуда кеч қайтардим, хизмат сафарларида бўлардим. Уй ишларининг ҳаммаси Тозагул зиммасида эди. Уз уйда бахтли бўлган кишигина бахтлидир. Мен хотинга, бола-чақага ёлғичан инсонман. Уйимдан меҳмонлар узилмайди, дўстларим ҳамма вақт Тозагулни мақташади. Шоири айтгандек:

Жоннинг роҳатидир яхши бўлса хотининг, Қизнинг фароғатидир куруқ бўлса ўтининг, Ҳўл бўлса ўтининг, ёмон бўлса хотининг, Қуз-қуз ўласан, сира чиқмас туғунинг.

1996 йили таваллуд топган кунимнинг 75 йиллиги ва Тозагул Ҳўжон қизи билан турмуш қурганимизга 50 йил тўлиши муносабати билан олтин тўйимизни нишонладик. Тўй маросимида бизни табриқлаб сўзга чиққанлар орасида: "Зиёбжон уйланганда Гулнинг тозасини топган, Тозагулнинг исми жисмига монанд", - дегувчилар ҳам бўлди.

Яхши хотин-жон малҳами, уйнинг фариштасию сариштаси, деб бекорга айтмаганлар. Менинг назаримда, рафиқам ана шундай аёллар тоифасига кирди. "1941-1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги" юбилей медал билан мукофотланганиги ҳақида гувоҳномаси ҳам бор.

1999 йил Аёллар йили деб эълон қилиниши ҳаммамизнинг қалбимизни чексиз қувончларга тўлдирди. Аёллар манфаатларини ҳимоялаш борасида бу йил амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Юртбошимиз Ислоом Абдуғаниевич сўзи билан айтганда: "Аёлларга Шарқона эҳтиром ва эъзоз биз учун ибратли меъросдир. Бежиз эмаски, Шарқона аёлни фариштага қиёс қилишад. Чунки фаришталар Аллоҳ таоло яратган энг пок, энг беғуноҳ зотлардир"...

Зиёб ЕСЕНБОВ

Матбуот фахрийси, "Ўзбекистон матбуоти" журнали бош муҳаррири

НАВОЙИНИ ҲАҚИДА

МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ

СЎНГИ ТАНБЕХЛАР

Яхши одамдан ёмонлар ҳам ёмонлик кутмайди, илло, яхши одам ёмонлардан ҳам яхшиликни аямайди.

Яхшилик қила олмасанг, ёмонлик ҳам қилма. Дардли кўнгли - шуълали чирроқдир, ёшли кўз-сувли булоқдир. Ўтнинг иши-қовурмоқ, ёлнинг иши - совурмоқ. Ош мазаси туз билан, одамники-сўз билан. Сихат тиласанг-кўп ема, иззат тиласанг-кўп дема...

Дўст жабридан-ингранма, душман зулмидан - зорланма.

Кимлар билан бўлсанг-шулардексан, Улар ёмон бўлса-сен ҳам ёмон, улар яхши бўлса-сен ҳам яхсиасан. Шунинг учун яхшилар этагини тутган яхшироқдир... Кўрдим: кўп қобилият соҳиблари яхшилардан айрилди, ёмонлар давраси уларни нобуд қилди...

Умрни ғанимат бил, соғлиқ ва омонликка шўкр қил. Эътиқодингни ҳаммага айтиб юришинг-пуллингни совирушинг билан тенг...

Ҳар кимсани сирингга маҳрам дема, бу каби олам аҳлига кўп дема. Сирингни асраш-ўзингга малол эса, бировларнинг асрамоғи маҳолдир. Ўз хазинангни очсанг-у, махфий дурларингни ҳамма ёққа сочсанг, уни териб олган киши ҳам сочмасдан нима қилади? Ва "асрал" девдим-ку, деб койганларнинг қаерга боради? Тавба, ўз сирингни асрай олмаганингни биласан, тагин биров уни фош этса жигибийрон бўласан...

Уйғоқликда нима кўрсанг-тақдирдан деб бил, уйкуда нима кўрсанг-яхшиликка йўй. Агар душманинг енгилса, ёмон тарафини бўрттириб, яхши тарафини яширма. Кудратли душман асиринг бўлса, унга муруват қил, уни авф эт.

ҚАРИЛИК ТЎҒРИСИДА

Қад эгиллиши-тупроққа қараб кетишга далилдир, жонлардан нафратланиш-бунинг ёрқин мисоли. Қўлларнинг қалтираши-умринг охириги майини ичишга ҳуморликдир. Қўздан ёш оқшии-ҳаётга мотам тута болашадан нишонча. Еслаш ўрнини унутуши эгаллайди, балки унутмоқ ҳам унутулади. Қариларнинг паршонлиги, уларнинг ҳилвираб боришини кўрган болалар масҳаралайди. Йигитлар ҳайрат билан қарайди...

Ниҳоят, уларнинг хотин, бола-чақалари парвариш қилишдан толиқад, хизматчи ва малайлар зерикади. Турли-туман иллатлар уларнинг бадан уйида жаъм бўлишад ва касали кўпلىгидан тириклик жонига тегади. Рубий (маззун):

Йигитлик кетди-ю, қарлик қўзилди.

Тан совуди, яъни қонда ҳеч ҳарорат қолмади.

Ҳаёт шароби ҳам оғизга аччиқ туюлади.

Бу тириклик, бу ҳаётдан ўлим минг марта афзал.

ХОТИМА

Илоҳо, буларни ёзган кимса! гарчи яхшилардан эмас, ёмонлар сафига қўшма, чунки яхшилик умидида ёзган учун ўзини ёмон дея олмайдми. Илоҳо, уни яхшилар даврасидан четлатма, ёмонлар гуруҳига бетлатма...

ТАРИХ

Бу асар "хўш" сўзида бўлди ҳосил, Ҳар ким ўқуса, илоҳи, бўлғай хушдид.

Филология фанлари номзоди Сайёра Холмирзаева тайёрлади.

1 Бу ерда Навоий ўзини кўзда туттапти.

2 "Хўш" сўзидан (араб ёзувида) аб-жад ҳисобида 906, яъни 1500-1501 йил чиқади.

ЭРИНГИЗГА БУНДОҚ РАЗМ СОЛИБ ҚАРАНГ...

«ЧИРОЙЛИ БАХТНИ ОРЗУ ҚИЛГАНДИМ»-27-сон

Синглим Садаф. Авваломбор ҳеч қачон "чиройли бошимга етди" деманг. Сизда чирой, соғ-саломатлик, ота-она, гўзал хулқ-атвор мавжуд экан. Шуларнинг ўзи катта бахт эмасми? Кейин шуни билинг-ки, Оллоҳ таоло фақат севган кишиларигагина хусн, чирой ато этиб, кейин уни синиб кўрар экан.

Пайгамбаримиз Муҳаммад (САВ) ўз жиянлари ва кувёлари Ҳазрат Алига васыятларида: "Е, Али, хушрўй бўл-ки. Ҳақ таоло гўзаллиқни севади. Худо таоло халқи билан кўпол муомалада бўлма ва ўз номаи аъмолингни қора қилма", -деб буюрган эканлар.

Энди, сизнинг иқдорномангизга келсак, ростдан ҳам сизни йўлдан адаштирган нарса, Сиздаги гўзаллик ва одамлардан ашитганингиз ортиқча мақтовларнинг, фикрларнинг онгингиздан ўрин олишидир.

Бундан анча йиллар олдин бир газедада америкалик оlima аёлининг "Сизлар аёлларни-қизларни кўп ва бўрттириб мактайсизлар, ортиқча мактов инсонни, айниқса аёлни бузади", -деб ёзганини ўқиганман. Гўзал киз ва йигитларнинг кўпчилигида болаликдан бошлаб "кўйроқдек" эканлиги ҳақида мақтовлар эшитиш натижасида ўзи борасида юқори фикр шаклланади. Ўз чиройидан фахрланиш ҳис-туйғуи бахали унча очик кўзга ташланмас, қизнинг ўзи ҳам балки бу сўзларга одатланиб, эътибор бермасдан кўяр. Аммо психологлар айтганидек: бизнинг ҳатти-ҳаракатимизни бошқарадиган "онг асти" соҳаси мавжудки, йиллар давомида тўпланиб борган маълумотлар ўша онг остидан

туриб бизнинг характеримизга, хулқ-атворимизга, гап-сўзларимизга доимо сездирмасдан таъсир этиб туради.

Ўзингиз ёзганингиздек, "атрофдагилар- кўни-кўшиллар, синфдошлар, қариндошлар" сизнинг хўснингизга доимо маҳлиё бўлишган. Айниқса, энг муҳим давр, талабалик йилларида бу ҳис-туйғу янада мустаҳкамланган: курсдош йигитлар, ҳатто домлалар... суқланиб қарашар эди", -деб тан оласиз.

Сиз "оддий ишчи" йигитга кўнгили кўйибми ёки кўнгили сиз турмушга чиқингизми, ёзмабсиз. Лекин озми-кўпми кўнглингиз бор эди, деб фарз қиламиз, чунки сиздек оқила киз ўзинга ёқмаган кишига турмушга қимас эди. Кейин саралаб танлаш имконияти ҳам сизда бор эди.

Лекин, минг афсуслар бўлсин-ки, сизда, онгингизда ўзингизнинг "алоҳидалингиз" ҳақидаги шаклланган фикр кейинги ҳаётингизга ҳам ўз таъсирини кўрсатиб турди.

Ҳатто тўй кунини эрингизнинг ўртоқларининг бир оғиз ярамас гапи: "Қора узумнинг яхшисини ит ейди", - хотирингизда доғ каби қолиб кетибди.

Шунинг учун ҳам сиз доимо бошқа эркекларни эрингиз билан солиштиридингиз, О. билан учрашган биринчи кунни эсланг: "Секин у кишига разм солдим келишган қомати ўзича ярашган, жуда озода кийинган эркек эди", -деб таъкидлайсиз. Бу кузатувларингиз, таққослашларингиз кўпинча эрингиз фойдасига ҳал бўлмас эди. Оқибат...

... Эрингизга хиёнат қилдингиз. Сиздаги энг яхши хислатлардан бири, ҳато иш қилганингизни тушунганингиз. Афсусланиб, айбдор эканлигингизни тан олишингиз, сизнинг олижаноблигингизни кўрсатади. Сизга (ва бошқа чиройли аёлларга) мутахассис сифатида ва ҳаёт таърибидан олиб бир неча маслаҳатлар берсам:

1. Эрингизга разм солинг, ахир у ҳам сиз айтгандек "ёмон одам эмас аслида", хўснингиз, ширин тилингизни ишга солинг, кўрибсизки маълум бир вақтдан сўнг сизга муносабати ўзгаради. Бекорга айтмайдилар, бировни ўзгартирмакчи бўлсанг, олдин ўзингиз ўзгар деб. Дикқат билан қарасангиз бошқа эркеклардан кам эмаслигига ишонасиз, кўполлигига сабаб, балки юрагида сизнинг ўзига бўлган муносабатингизни сезиб шундай муомала қилаётганидир. Унинг қадрига етинг. Кўримсиз, содда, кўринишдан кўпол кишилар кўпинча аёлларига, фарзандларига содиқ, меҳрибон бўладилар.

Мени тиббиёт билим юртини битирганимдан сўнг Туркманистон чегарасидаги қурилишга ишга юборишди. Шу ердаги ер қазий машинасида содда, кўримсиз, аммо жуда меҳнатқаш бир йигит машинист бўлиб хизмат қилар эди. Уни хотини гўзал, таноз бўлиб, эрини очуқчасига менсмас эди. Кўнлардан бир кун қурилишга қора қош, узун бўйли, ҳазил-хузунли қотириб гапирадиган инженер йигит ишга келди-ю, оиланинг тинчлиги бузилди. Машинист йигит эртаю кеч канал қазир, хотини чиройли инженер йигит билан маишатдан ортмасди. Охири машинист йигит хотинидан ажралиб (орада 1 та қизлари бор эди) ўз қишлоғига кетди, у ерда ота-онаси уни тезда уйлантиришибди, бир қизга

Орадан сал вақт ўтмасдан қурилишга келган инженер йигитнинг "стажировка" вақти туғаб юртига кетиб қолди, таноз аёл эса оёқ оғрик-политрит касаллигига йўлиқиб, олти ой ичида шол бўлиб қолди. Энди у ёлғиз онасидан бошқа ҳеч кимга керак эмас, моддий ва маънавий қийинчиликлар аёлни ва унинг онасини азғиб қўйди.

Бу воқеаларни эшитиб юрган олдинги эри келиб аски иш жойига ишга кирди. Собиқ хотини ва қайнонасини даволатди, уларни парварши қилди. Ота-сизга раҳмат, иккинчи хотини эрининг бу ишга тўсқинлик қилмади.

Узоқ йиллардан сўнг эшитсам, аёл соғайиб кетгач, янада фарзандларини биргалашиб институтда ўқитишган экан.

2. Ҳаром йўлдан оловдан қочгандек қочинг. О. ва О.га ўхшаганлар олдиндан ўтганда, юрагингиз гупиллаб урмасин, балки нафрат билан ўтинг. Чунки ҳаром йўлдан юрган кишининг қасофати нафақат ўзига, фарзандларига ҳам уриши мумкин. Худо асрасин ҳаммамизни бундан.

3. Ўзингизга разм солинг. Худонинг берган хўсн-жамоли ва хулқ-атворини эрингиз ва фарзандларингизга беринг. Бахтингизни кўлдан чиқармасликка ҳаракат қилинг.

4. Атрофдаги аёлларга разм солинг. Улар гўзал бўлмасалар ҳам, кимдир ички дунёси билан, кимдир ширин тили билан, кимдир пазандалиги билан гўзал бўлади. Улар камтар, камсуқум, оиласидаги бориға, эрига шукр қилиб, бахтли яшайди.

Сизга ва сизга ўхшаган минглаб гўзал аёлларга ҳамда қизларга ҳалоллик-поклик, гўзал бахт-саодат тилайман.

Ганжи БЕРДИЕВ,
психолог.

ТАҚДИРГА ТАН БЕРИШ КЕРАК

«ҲАЁТИМ АРО ЙЎЛДА ҚОЛДИ»-25-сон

Ҳурматли дўстим Раҳимжон!

Халқимизда "Тақдирга тан бериш керак" деган мақолангизни ўқиб чиқдим ва тенгшоҳ, қолаверса дўст сифатида сизга фикримни билдирсам. Уйланганингизга 7 йил бўлган бўлса, демак сизни 19 ёшингизда уйлантиришган. Балки фикримга қўшилмасиз, ота-она фарзандини 20-25 ёшларда уйлантиргани маъқул. Лекин мен бу ерда ота-онанингизни ҳам айбламоқчи эмасман.

Бу билан демоқчи эдимки, ёшлар ҳаётини кўрсин, унинг аччиқ-чучуғини тотсин, Энди дўстим Раҳимжон! Махалла-кўй га-

сўзларига кулоқ солманг, ўзингизни кўлга олинг, бардам бўлинг. Хали ёшсиз, унинг устига эркек кишисиз. Ҳар бир эркекнинг бошига бир кўнмас бир кун бахт қуши келиб қўнади. Шу билан бирга ота-онанингизга кулоқ солинг, ҳар қалай, улар ҳаётингиз аччиқ-чучуғини тотишган. Ва ўйлайманки бир кун келиб, бахтингизни топасиз, бошингиздан ўтган кўнларни кўрмагандай бўлиб кетасиз. Менинг бунга ишончим қомил. Сизга бу кенг дунёнинг кўркам йўлида бахт тилаб қолувчи дўстингиз,

Элёр Нишонов,
Паркент шаҳри

"ОИЛА ВА ЖАМИЯТ" - ТАДҚИҚОТЧИ

«БИЗДА БАРЧАСИ СИР ТУТИЛАДИ»-26-сон

Нопокликдан вужудга келадиган касаллик ўтмишда ҳам бўлган, ҳозир ҳам давом этмоқда. Покиза, иймон-эътиқодли инсонга бу ҳалатлик бегона.

Келтирилган мисол характерли экан. Кам-зири вафот этган етмиш ёшли мўйсафид мачитдан қайтаётиб ўн саккиз ёшли аёлни уйига таклиф этган. У енгил табиатми, бад-хулқми, ичувчи, ўғри, фарибгарми-отахон учун аёл, эҳтиёж эди. Эҳтиёж олдмида мол-давлатнинг қизиги йўқ. Бу билан иймондан айрилиб қолмайди. Ўз замонида боболар уч-тўрт хотин билан покиза турмуш кечирганлар. Эндиликда кўп хотинлик-жиноят.

Азалдан хотинлар кўпчилик. Ёлғиз яшайдиган хотинлар, қизлар кўп. Мувоzanат бузилган. Қонундан ташқари қизиқ бўлмайди, деб инни таранг тортиб турсак бир ердан бузилиш рўй бериши аниқ. Бу хиёнат туйғули оилавий ажримларда, фоҳишаларнинг кўпайиб кетаётганида кўринмоқда. Бу покни ҳам, нопокни ҳам залолатга етаклайди. Хўлу қуруқ баравар ёнади. Оллоҳ субҳонаху ва таоло эса ўзининг каломида хиёнаткор эр учун ҳам, хотин учун ҳам қаттиқ жазо белгилаб қўйибди. Боши очик хотин ва қиз боланинг бузуқликларига жазо тайинланган. Буларни эътиборга олмабсизми.

Аёл - оила устун. Аёл - оила шамчироғи. Эркек шу устун, шу шамчироқ атрофида айланмас, парвона бўлмас экан, тартибсизлик, мувоzanат бузилиши рўй беради. Бағрига интилган эрни хотин пешонасидан итарса, илиқ жойни кўчадан қидиради-да.

Хатимга "Оила ва жамият тадқиқотчи" деб сарлавҳа қўйган эдим. "Оила ва жамият" оила тилсимини ечмоқда. Мақсадга яқинлашмоқда. Эр хотин қўш хўкиз деганларидек, биттаси бўйинтуруқдан чиқиб кетса, уни оила деб бўладими? Эр ё хотиннинг мижози бир-бирига тўғри келмаса, улар ажралиб кетсалар, уларни айблаб бўладими? Фарзандсизлик, характерларнинг бир-бирига тўғри келмаслиги туйғули, ажраллишга рўй бериши табиий. Оллоҳ бундай ҳолларда чиройли тарзда ажралингки, бир-бирингизга хар хил айбларни қўйиб ошқор қилманг деган. Кейинчалик эр хотин олиши, хотин эрга тегизи учун бу зарур ҳолатлигини ҳисобга олган.

Оилани ҳаёт давомида ўртадаги интим муносабатлар, кейинчалик фарзандлар ва яна интим муносабатлар ушлаб туради. Фарзандлар кўриб, воя-га етказиб, неваралик бўлгач интим ҳаёт тўхтамайди-ку.

Одам он-ги, фикрлаши, сўзлаши, кийиниши, маданий чиройли кўриниши билан бошқа мавжудотлардан фарқ қилади. Назаримда эркеклар учун ҳам, аёл-қизлар учун ҳам жинсий тарбия етишмаяпти. Ўтмишда бу мадрасаларда ўқитилган. Отинойилар ўргатганлар.

Ҳадемай давлатимиз мустақиллигининг 8 йиллигини нишонлабмиз. Ишонманки, мустақил юрт фуқаролари яқин келажакда ўзларини янада чуқурроқ англайдилар, поклик, ҳалоллик, эрга садоқат, ҳаё, ибод, андиша, меҳрибонлик, ўзаро ор-номус, шарм-ҳаё йўлини тутадилар.

ХАЙРИДДИН,
Қарши

АДАШМАНГ...

«МЕН КИМГА СУЯНГУМ»-24-сон

Мен бу мақолани кўзда ёшим билан ўқиб чиқдим. Чунки синглим Меҳринисонинг ҳаёти айнан менинг бошимдан ҳам ўтган. Мен ҳам талабалик йилларимда бир йигит билан танишиб қолдим. Мен танишган йигитнинг исми Улуғбек эди, уни шўнчалик севардимки, ҳатто бир дақиқа ҳам ҳаёлимдан чиқара олмасдим. Чунки у ақлли, одобли йигит эди. У ҳам мени севарди. Биз бир-биримизга жуда ҳам ишонар эдик.

Кўнларнинг бирида у менга совчи юборишини айтди. Мен бўлган воқеалардан онамин оғоҳ қилдим. Онам бизнинг муҳаббатимизга қарши эдилар, чунки Улуғбек бошқа вилоятдан эди, бу онам учун катта баҳона бўлди. Хуллас, гапнинг қисқаси онам менга Улуғбек билан учрашини таъқиқлаб қўйди ва "учрашганингни эшитсам ўзингдан ўпкала", -деб тайинладилар. Мен кўрқанимдан Улуғбек билан учрашмасликка қарор қилдим. Улуғбек шўнчалар учинди, иложим йўқ эди ва ўз муҳаббатим учун, ўз келажигим учун курашмадим, бу менинг энг катта хатоимдир. Турмушим яхши бўлмади у мени доим урарди, бекордан бекорга рашқ қиларди, ажраллишга мажбур бўлдим. Энди мени кўнимга маймунлар йиғлади...

Шунинг учун синглим Меҳринисон сизга **маслаҳатим** ўзингизнинг муҳаббатингиз учун албатта курашинг. Биринчи севги бу ҳақиқий севги бўлади. Синглим, сиз йигитни ҳам тушунишингиз керак. Балки у сиздан ҳафа бўлганлар. Балким, у ўзини сиздан совутмоқчидир. Ахир ўзингиз йўлаб кўринг, йигитларда гурур деган нарса бўлади, ахир сиз "келма" деган бўлсангиз, тагин сизнинг юзингизга қандай қарасин. Синглим, у сизни ҳали ҳам яхши кўрса, муҳаббатингизни кўлдан бой берманг. Кейин пушаймон қиласиз. Худо кўрсатмасин бир қор хол бўлса... ўзингиз айбдор бўласиз. Мен аминманки, севги билан қурилган оила мустаҳкам бўлади. Синглим, юрак амрига кулоқ солинг. Онангиз ҳам, қариндошларингиз ҳам ўз йўлида, ўзингиз ҳақингизда ўйланг. Ахир сиз турмуш қургандан кейин онангиз билан эмас, севган кишингиз билан яшайсиз. Синглим, сизга яна бир бор маслаҳатим адашманг. АДАШМАНГ...

Манзура, Фарғона

АЁЛЛИК ГУРУРИНГИЗНИ ЙЎҚОТМАНГ

«АЛАР АНГЛАМАДИ УНИНГ БОРЛИГИН»-20 сон

Ҳурматли синглим, сизнинг армонли дил нолангизни ўқиб чиқдим. Сизга чуқур ҳамдардлик билдираман. Аслиддинжонни Оллоҳ ўз раҳматига олғай. Ҳадиси шарифларда: "Қайси бир она бирор фарзандини қабрга қўйиб, бу мусибатга сабр этса, у эр қалқон билан дўзах ўтидан тўсилибди", -дейилган. Менимча, сизга бундан ортиқ тасалли бўлмас керак. Бошқа кўргуликларингизга келсак, уларнинг бари ўткинчи, дярли кўпчилигининг бошидан ўтадиган машаққатлар. Майли, буларга ҳам сабр этинг, бу кўнлар ўтар. Худо хоҳласа, гўзал турмуш қуриб, ширин фарзандларнинг онаси бўлуриш. Оллоҳ суйган бандасига йўқиллик берар экан. Оллоҳ суйган бандасига... сабр берар экан ва яна Оллоҳнинг марҳаматини қарангки, кимга сабр берса, ўша бандасига зиёдалиқни ҳам тайёрлаб кўяр экан. Иншооллоҳ, сабрингиздан топиб, бир кун пир-бадавлат бўлуриш.

Фақат аёллик гурурини маҳкам тутиб, неки каму кўстингиз, орзу-ниятларингиз бўлса, Оллоҳдан сўранг.

Асалхон,
Тошкент.



«ПУШИНА ПУШМАШАН КЎЛЁЗМА»...

Шеърятга эътиқодим билан бўлганлиги боисми, ҳатто тушимда (ахён-ахёнда бўлсада) ҳам шеърлар ёзаман. Турасолиб ювинаману уни шоша-пиша оққа кўчирмоққа шошиламан. Бу ҳодисани дўстларимга сўзлаб берсам қулишади (балки ишонимас...) Устозим, сажий қалб эгаси, беқийс ҳатот, зукко шоир, нозиктаъб олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, филология фанлари номзоди Аҳмаджон ака Мадаминов билан бўлган суҳбатларимизнинг бирида бу галати ҳодисани сўзлаб бердим. Устозим дўстларим каби қулмадилар, бильякс "бўлиши мумкин" - дедилар.

"Бу воқеага 40 йилча бўлди" - дедилар Аҳмаджон ака. - Бир кунни туш кўрдим. Тушимда кўлдан бери ахтариб юрган кўлёмани топиб олдим. Ҳўқанди Латиф шаҳрининг бир чекка гўшасида эски китоблар сотиладиган бир бозорча бўларди... Шу бозорни айланиб юрган эмишман... Бир пайт чинор дарахти ёнида кекса бир онахон, чачвон ёпинган кўйи, ўтирганмиш... Олдларида 3 та китоб қўйилганмиш... Уртадаги китоб мен йиллаб ахтараётган ноёб кўлёмани эмишман... Мен онахондан: "китобни баҳоси қанча онахон", - деб сўрасам, ул зот "болам битта нонга етулик пул берсанг бас", - дермишлар... Уйғониб кетдим... Тонг ота бошлабди... Ювиниб, кийиндим "бор таваккал", - деб, ўша бозор-

чага йўл олдим. Ишонсизми, айнан тушимда кўрган манзарани кўриб лол қолдим ва таққа тўхтадим. Тилимга "ҳа" деганда бир калима келмас эди. - Не кўз билан кўрайки, чинор ёнида бир онахон чачвон ёпинганича ўтирар, олдида бўлса 3 та китоб турарди. Узимни қўлга олдим ва онахонга яқинлашдим. Ноёб кўлёмани қўлга олдиму, шодликдан кўзларимга севинч ёшлари келди...

Бу айнан мен ахтараётган ўша кўлёмани эди. "Онахон, бунинг баҳоси қанча?", - деб сўрадим, ҳаяжондан титраб. Хаёлимда бўлса "ҳозир фалон сўм десалар керак", - деб ўйлаб турибман денг.

"Болам, бу эскича китоб, уни тушунмасам, битта нонга яраша пул беру, олавер", - дедилар. Анчагина пул бериб онахонни шод қилдим, дуоларини олдим. "Китобни кўлёманилар сақланадиган музейимизга олиб келдим", - дедилар устозим қулганларича.

Ҳа, дарҳақиқат, бу кўхна хилқатда биз бандай оқизлар тушуна олмайдиган ажойиботлар кўп.

Аллоҳ, бизларни келгусида бошимизга тушажақ кўргуликлар, баъзан эса хурсандчиликлардан тушимиз орқали огоҳ қилар экану, биз гофил инсонлар бу каби оғохлантирувчи тушларга кўп ҳам парво қилавермас эканмиз...

Эркинжон Ҳаёнбой ўғли.

ХОТИРА-МУҚАДДАС

УЙЛАРИМИЗ ҲУВИЛЛАБ ҚОЛДИ

Онажон!... Сизни шундай соғинаманки, ўзимни кўярга жой тополмай қоламан. Ўша машғум касаллик сизни биздан жудо этгандан бери уйларимиз, қалбларимиз ҳувиллаб қолди.

Онажон, сиз гоҳо-гоҳо шеър ҳам ёзардингиз. Бир кун негадир шеърлар дафтарингизни ёқиб ташладингиз. Афсус... Сизни эсларканман баъзида шеърларингиздан ёдимда қолганларини ўқиб юраман, улардан гўё таскин топаман.

Ҳазилнамо ёзилган бир шеърингизни қулиб-қулиб айтиб берганингиз эсимда. Бугун ўша шеърингизни оққа кўчириб юрдошларимизга ҳавола этмоқдаман.

Илоҳим жойингиз жаннатда бўлсан, қабрингиз нурларга тўлсин. Раҳматли онам Мўътабархон Ҳомиджон қизининг ўша ёдимда қолган шеъри:

ҚИЗ БЕРЯПМИЗ КУДАЖОН

Қиз беряпмиз кудажон, Озимизни кўп кўринг. Қизимиз ёлғиз эрка, Тантиқлигин кўтаринг.

Эрта ётиб кеч турса, Хижолат қилманг куда. Фақат қолақ қайнона, Қилар жанжал бир тўда.

Сиз "культурний" қудасиз, Иш кўзини биласиз. "Вечер" лару тўйларга, Сўзсиз жавоб берасиз.

Супур-сидир, овқатни, Билмайди ҳали у ёш. Кирни кўрса кудажон, Кўзларида қалқир ёш.

Ёзда, ҳаво иссиқда, Боради тез-тез қўлга. Кинога билет олинг, .. Бу-чи, сизга "прогулька".

Барчасин бир-бир ўйланг, Этиб тошу тарозу. Икки ёш бахтли бўлса, Шу=да, биз қилган орзу.

Муаттархон

ШАҲРИҚЛАР ВА ЭЪЛОҲЛАР

Ҳурматли Санжарбек ва Дилфузахон!
Қалбингиздаги пок севи, ширин орзулар билан мустиқил ҳаёт оstonасига қадам кўйдингиз, бахтли бўлинглар. Умрингизнинг йўллари ойдин ва эзгуликка ёр бўлсин!
Ўзбекистон саннат-қурилиш банки, Шахристон банки филиали ходимлари

«Оила ва жамият»НИ ИЗЛАСАНГИЗ...

Тошкент шаҳар "Матбуот тарқатиш уюшмаси" акциядорлик жамияти "Оила ва жамият" газетаси муштарийларига газетанинг шу йил ичидаги эски ҳамда янги чиққан сонлари қуйидаги "Рўзнмалар" дўконларида ҳамиша сотилишини маълум қилади:

- Навоий кўчаси "Ўрда" бекатидаги 164-дўкон.
- Абай кўчаси "Пахтакор" метро бекатидаги 214-дўкон.
- Навоий кўчаси "Ҳамза" театри бекатидаги 181-дўкон.
- Навоий кўчаси "ГУМ" автобус бекати 185-дўкони.
- Навоий кўчаси "Марказий телеграф" бекати 178-дўкони.
- Сағбон кўчаси "Чорсу" бозорига кириш қисмидаги 191-дўкон.
- "Чилонзор" метро бекатидаги 300-дўкон.
- "Халқлар Дўстлиги" метро бекати "Олмазор" магазин ёнидаги 286-дўкон.
- Фарҳод кўчаси "Супер маркет" магазини ёнидаги 270-дўкон.
- Буюк Туро кўчаси "ЦУМ" магазини бекатидаги 8-дўкон.
- Буюк Ипак йўли кўчаси "М.Горкий" метро бекатидаги 84-дўкон.

Табийий гиёҳлар ва тажрибали мутахассислар ёрдамида тез, зарарсиз озишни ёки семирини, бутунлай соғлом ва гўзал бўлишни истасангиз "Малика, Шаҳноза" салонига мурожаат қилинг!

Тел: 199-31-68, 125-13-93.

Фирмаларга бош бухгалтер тайёрлайман, балансларни тузиб берман.

Тел: 47-31-55.

Дала ҳовли сотилади. Тел: 77-85-09

Миробод туманида рўйхатдан ўтказилган "ASAD-SANAI" корхонаси ТУГАТИЛАДИ. Тел: 55-16-36.

А.Қодирий номли боғда нақд ёки пул ўтказиш йўли билан катта-кичик тўй тадбирларини ўтказиш учун буюртма қабул қиламиз.

Манзилимиз: А.Қодирий истироҳат боғи. С.Раҳимов тумани Зарқайнар кўчаси-6 (аввалги Пушкин боғи). Тел: 40-37-55.

ТИПРАТИКАННИНГ ЙИГИСИ

Мирқодир шўх бола эди. Кўм-кўк майдонда футбол ўйнашаётганда унинг кўзи ўрмалаб кетаётган жониворга тушади. У яқинроқ бориб қараса типратикан экан. Типратикан уни сезиб бошини ичига тортиб, коптоқдек юмалоқ бўлиб олибди. Шунда Мирқодир типратиканни уйига олиб келиб катта челақнинг ичига солиб қўяди. Челақка эса кўм-кўк майсалар тўшаб бир идишда сут ҳам қўйиб қўяди. Сўнгра яна дўстлари ёнига қайтади.

У типратикан қочиб кетмаслиги учун челақнинг устини фанер билан беркитиб, оғирроқ нарса бостириб қўйди. Кунлардан бир кун эрта саҳарда қараса типратикан болалабди. Мирқодир типратиканнинг боласига кўрсатаётган гамхўрлиги-дўсти Алишер қочиб кетди. Мирқодир "ҳозир" деди-ю, ҳовлининг ўрта-челақни қолдириб, шошганича кўчага чиқиб кетди.

У уйга хурсанд бўлиб келди-ю, типратиканнинг ёнига югурди. Не кўз билан кўрсинки, типратиканнинг боласи ўлиб, онасининг кўзида ёш қотиб турарди.

Мирқодир дўсти чакирганда типратикан турган челақни офтобдан панароқ жойга олиб қўйишни унутган эди. У ҳаётида биринчи бор боласининг жасади олдида мотам тутаётган жониворни кўраётганди. Бу ҳолатдан юраги эзилиб, унинг ҳам кўзига ёш келди. Челақ ичидаги она типратиканни ҳовлисига қўйиб юборганида ҳам у боласи теласидан кетмай юм-юм ёш тўкарди. Мирқодир бу ҳолатни узокроқдан кузатиб турган эди, она типратикан боласининг жасадини тишида тишлаб, ортиб ўзи билан олиб кетди.

Доно халқимизнинг "Кўнғиз боласини оппоғим, типратикан юмшоғим", деб айтади деганлари шумикин?!

М.МИРСАЙДОВА

АЖОЙИБ-ГАРОЙИБ

ни кузатиб ўтираркан, футбол ўйнашга чакириб қолди. Мирқодир "ҳозир" деди-ю, сида типратикан турган челақни қолдириб, шошганича кўчага чиқиб кетди.

БАХТ ЎЗ-ЎЗИДАН КЕЛМАС ЭКАН

Менинг оила қуриб, ҳаётда ўз йўлимни топиб кетишимда "Оила ва жамият" газетаси сабабчи бўлди. Биз газетдаги эълон орқали танишиб турмуш қурдик. Худого шукр, бахтиёримиз.

Оллоҳ барча кишиларни жуфт қилиб яратади. Ҳеч ким дунёдан тоқ ўтмайди. Мен ҳар гал газета саҳифаларини варақлаганимда "Ўз бахтимни изляяпман", "Яхши бир йигит билан танишишни истайман" деб ёзилган жумлаларга кўзим тушиб қолади. Демак, орамизда бахтга ташна, ўз жуфти ҳалолани излаб яшаётган инсонлар кўп экан.

Мен анчадан буён жиззахлик М. исмли қизни яхши биламан. Бу қўли гул чевар, ўта хушмуомала, ҳар бир инсон кўнглига йўл топа оладиган қизни таниган, билган-

лар барчаси ҳурмат қилади, эъзозлайди. Чунки М. юксак эътиборга лойиқ қиз. У тумандаги касб-ҳунар коллежларидан бирида ўқитувчи бўлиб ишлайди. Ёши 21 да. Ҳаётда ягона орзуси-ақли-хушли, тушунган йигит билан оила қуриб, бахтли бўлиш. Мен барча сингилларимга шу қатори М.га ҳам "Аёллар йили"да чинакам бекалик ёр бўлишини тилаб қоламан.

ОИЛА

Тахририятдан: Ҳурматли газетхон. М.исмли қиз билан танишиб, турмуш қуришни хоҳловчи кишилар бўлса газетамизга ўз манзилгоҳлари битилган мактуб юборишларини сўраймиз.



Гузал ёш тўқмақда соз

(Давоми. Боши ўтган сонда)

- Йўқ-е, шу пайтгача бирон марта келмадиларми?
Йўқ, келганлари йўқ.

Гап бу ёқда дегн. Қалбимдаги шубҳа гумонларнинг ҳақиқатга айлана бораётганлиги мени ўртарди. Демак!.. Мен аразлаб уйга кетган куни эрим ҳам Тошкентга жўнаб кетган!.. Қандай куч уни салкам бир йилдан бери ота-онасини, кўз очиб кўрган хотини-ю, фарзандининг меҳридан айро ушлаб тура олди экан. Ёки, булар мендан ниманидир яширишяптимикин?... Қандай кунларга қолдим. Эй худо...

Кунлар кетидан ойлар ўта бошлади. Эримдан ҳали ҳам дарак йўқ эди. Мен эса аламинни меҳнатдан олардим. Эрталабдан кечгача елиб-югуриб, қайнона-қайнотамнинг хизматини қилардим. Баъзан бу ёруғ олам кўзимга қоронғу кўриниб кетарди. Фақатгина қизим Эъзозанинг жавдиреган кўзлари менга яхши кунлар келишини ваъда қилаётгандек порларди.

Кунларнинг бирида уйга Аҳроржон акам кириб келди. Узоқдан кўрдиму, қилаётган ишимни тугатган бўлиб югуриб уйга кирдим. Негадир ҳаяжон боса бошлади. Эгнимга ўзимга ярашиб турадиган кўйлагимни кийдим. Соцларимни тўриллаб, янги рўмолимни ўрадим.

"Менга ўхшаб улар ҳам соғингандирлар. Бўлди, энди уларни ҳечам хафа қилмайман. Нима десалар хўп, дейман", - дея ўйладим. Хаёлимни лўмбиллабгина қолган қизимнинг йиғиси бўлди. Уйғонган экан, бешикдан ечиб олдим. Янги кийимларини кийдириб ҳам бўлгандим, эшикдан эрим кириб келди. Кўзимиз кўзимизга тушди. Салом бердим. Ҳозир келиб кучоқлаб кўришсалар керак, деб тургандим, "Сени ким олиб келди", - деган саволдан аъзойи баданимдан совуқ тер чиқиб кетди.

- Қизингиз тугилгандан кейин онангиз олиб келди, - дедим секингина. Эрим болага бир қаради-ю, индамай ташқарига чиқиб кетди.

Умидли кўнглим яна бир бор чил-чил синди. Қизимни бағримга босдим, аламинни яна йиғидан олдим. Мунча баргитош бўлмаса, қатто боласиниям қўлига олмади-я?! Ахир уни ҳам она туккан-ку. Ўз боласи, жуфти ҳалолдан аяган меҳрини кимларга илинаркан?... Яна қалбимни мен ҳали англаб етолмаётган "сир" тилкаларди.

Келди-кетдилару, ошна-оғайнигарчиликлар билан орадан уч кун ўтди. Энди эрим Тошкентга қайтиб кетиш тараддудини кўра бошлади. Шу ўтган кунлар ичида эрим билан ҳатто ёлғиз қолган вақтимизда ҳам бир-биримизга юрагимизни очмадик. Эрим мендан бир оғиз соғиндигизми, деб сўраса экан, мен қалбимдаги бутун туйғуларимни тўкиб солсам, эркалансам дердим. "Ушанда уйга кетиб қолганимдан жудаям пушаймонман. Сизни жудаям-жудаям соғиндим. Бу ерда сизиз сикилиб кетдим. Мени ҳам ўзингиз билан олиб кетинг", - дегим келардию, қандайдир аёлларга хос хаё мени ушлаб турарди. Эртасига эрим Тошкентга жўнаб кетди. Менинг ҳам юрагим-дан бир нима

узилиб кетгандек бўлди.

Кунларнинг бирида қизимни етаклаб иш жойига бердим. Бирга ишлаган аёллар билан бироз гаплашиб кўнглим ёзилди. Гапнинг орасида Раъно исмли келин (мени қайнисига олиб бермоқчи бўлиб юрарди): "Жудаям озиб кетибсан, сендай қиз Аҳрорга увол кетди-да. Яна иккинчи хотинликка", - деб юборди.

- Нима, нима деяпсиз ўзи, - рангим оқариб кетганини кўрган Раъно: "Вой, ҳали ўзинг эшитмаганмидинг, мени кечирасан", - деб хонадан чиқиб кетаётганиди: "Тўхта, сен қаердан эшитдинг, тўғрисини айтасан", - деб ёпишиб олдим. Ичимда: "Қанийди, ҳозир ҳазиллашдим, сени бу ерда қолдириб Тошкентда юрганига айтдим-кўйдим, деса экан", - дея Худодан илтифо қилардим. Йўқ, Раъно, ундай демади: "Бутун кишлоқда ҳамманинг оғзида шу гап-ку, ё ўзингни гўлликка соляпсан-ми?", - деса бўладими?! Уша пайтда қандай аҳволга тушганимни сўз билан ифодалаш қийин. Эримга нисбатан пайдо бўлган газабми, нафратми, юрагимни лахта чўгдек ёндиради, қўлу-оёғим дағ-дағ титрарди. Хонадан югуриб чиқиб уйга келдим. Ўзимни диванга отдим. Ҳар доимгидай ёлғиз йўлдошим йиғи бўлди. Тонг отгунча алданган, орзулари армонга айланган кўнглим йиғлаб чиқди.

Бу ҳақда мен ҳеч кимга, ҳатто онамга ҳам айтмадим. Бу совуқ гапни қайта тилга олишни, эшитишни истамас эдим. Шунинг учун ҳеч кимни кўришни хоҳламайдиган, ҳаммадан ўзимни олиб қочадиган бўлиб қолгандим.

Бу орада иккинчи қизим Шаҳноза тугилди... Ҳали чиллам ҳам чиққан йўқ эди, Тошкентдан эрим келиб қолди. Энди ортиқ чидай олмас эдим.

- Сиз ҳақингизда ҳар-хил миш-мишлар юрибди. Тошкентда хотинингиз бор эмиш, шу ростми, - дедим кўз ёшларимни тўхтада олмай.
- Бекор гап, буни гийбатчилар чиқарган. Бировларнинг гапига ишонсану, менга ишонмайсанми, - деди эрим кўзимга тик қараб.

- Сизга қандай қилиб ишонайин? Айтингни, сиз қандай инсонсиз? Фарзандингиз бошқоронги бўлиб, кабоб егани борганлигим шунчалик оғир бўлганмики, мен ойлаб онамникида қолиб кетсам, бунга қандай чидаб ўтирдигиз?... Шунчалик қаҳрингиз қаттиқми... Мен бечора ҳар кун, ҳар дақиқа сизни келишингизни кутдим. Сиз бўлсангиз Тошкентга жўнаб кетибсиз. Қани айтинг-чи, қачон охириги марта мен билан инсон билан гаплашгандай муомала қилдингиз. Салкам бир йилда юз кўришиб, бир оғиз илиқ сўзга тенг қилмадингизку? Ҳатто ўз фарзандингизга қайрилиб қарамадингиз. Мен сабр қилдим. Кўнглингиз юмшашини шу бугунгача кутдим, лекин сизга юмшайдиган қалбнинг ўзи йўқ, бағрингиз тошдан экан... Агар сизга менинг бор-йўқлигим барибир экан, нега

уйландингиз, нега менинг ҳам бахтимга ойболта урдингиз. Бўлди, ортиқ чидай олмайман, тўғрисини айтинг...

Мен йиғлаб ҳеч кимга айтмаган дарду-ҳасратимни тўкиб солардим. Шу пайт ташқаридан қайнотамнинг "Аҳрор", деб қақиргани эшитилди. Эрим сақраб ўрнидан туриб чиқиб кетди. Мен эса яна юрагимдаги саволларимга жавоб ололмай қолиб кетавердим. Эрим эса тонг отгунча отаси билан нималарнидир гаплашиб чиқди. Эрталаб эрим: "Нарсаларингни йиғиштир, мен билан кетасан", - деб қолди.

Уша кун машинага ўтириб Тошкентга йўл олди. Ўнма-ён ўтириб кетаяпмиз, иккаламиз машина дерзасидан икка тарафга қараб хаёи сурамыз. Худди бир-бирини энди кўриб турган бегона одамлардек, бир оғиз гаплашмаймиз.

Беш соатлик йўл давомида ота бўлиб қўлимда ухлаб келаётган чақалоқни ёки менга суяниб ухлаб қолган бир ярим ёшли қизимни қўлига олай демади. Тошкентга келгач, Белтепа мавзесига борамиз, яқинда у ердан янги квартира сотиб олганман, деди.

Нихоят "дом"га етиб келдик. Янги уйимиз 8чи қаватда экан. Зўрға кўтарилдик. Эрим эшикни очди. Кетма-кет кирдик, хоналар бўм-бўш, заҳ, илгари одам яшаганга ўхшамасди. Мени ҳайрон қолдирган нарса эса, бу ерда эримнинг биронта ҳам кийими йўқ. Демак, эримнинг бошқа турадиган жойи ҳам бор экан-да...

Тошкентда ҳам яшай бошладик. Лекин эрим ҳар доимгидай менга нисбатан совуқ эди. Бу ҳам етмагандек, кечаси уйга келмай қоладиган одат ҳам чиқарганиди. Сўрасам: "Кундузи савдо қиламан, кечаси қорувлик қилаяпман", - дерди. Эримнинг ҳар хил баҳоналар билан уйга келиши борган сари камайиб борарди. Ҳафтада бир марта ярим кечаси келиб, эрта тонгда чиқиб кетадиган бўлди. Кечалари қаттиқ кўриб, тик этган овоздан чўчиб ухлай олмай чиқардим. Эримга эса барибирдек эди. "Сен ҳам инсонмисан, нима камчилигинг бор", - демасди. Рўзгоримга арзиманган пул ташлаб ҳафталаб қорасини кўрсатмасди. Қараб туриб

кўшниларимнинг яшашларига ҳавасим келарди. Кечкурун бўлди дегунча, эрлари тўлиб-тошиб ишдан қайтишарди. Болаларини бағрига босганча уй-уйларига кириб кетишарди. Ёлғиз мен эримни кутмас, аниқроғи кутсам ҳам келмас эди. Ул-бул кўтариб келиш нарёғда турсин ташлаб кетган пулини ҳатто ноннинг ўзига ҳам етказма олмас эдим. Буни ўзи ҳам билар, билмаганга оларди. Ҳеч эсимдан чиқмайди. Бир марта уйда бир сўм ҳам пул йўқ, эрталабки чойга эса икки бўлақки на нон қолган экан. Нонни иккала қизимга бўлиб едирдим. Тушликка бирон овқат қилай десам, уйда тайинли ҳеч нарса йўқ. Секин супрани очдим. Ярим пиёлагина ун супрани тағида қолган экан. Хурсанд бўлиб кетдим. Уни косада қоқиб олдим, болаларимга тушликка атала пишириб бердим. Кечкурун эса юрагимдаги барча армонларимни аллага солиб болаларимни оч ухлатдим. Ана шундай қийналган, эзилган пайтларимда ҳам яхши кунлар келишидан умид қилар.



**ЧИРОЙЛИ БАХТНИ
ОРЗУ ҚИЛГАНДИМ...**

- "Овқат еб ётишдим".
- "Нон-чой ичиб ётишди".
- "Нега овқат қилиб бермадинг. Уйда ҳеч нарса йўқми, ёки пулларинг тугадими?"

Индамай бош ирғадим. Эрим чуқур ҳўрсинди. Кўзимга қараб турди-да, "Йиғладингми", деб сўради. (Тошкентга келганимизга бир йил бўлиб қолганига қарамасдан, эрим бирон марта мендан ҳол-аҳвол сўрамаганди) Ҳозир эса шугина кўнгли сўраси ҳам юрагимни эзиб юборди.

"Нега йиғлайсан, бир сен эмас, ҳозир кўнглилик шунақа қийналиб яшяпти"... Эримнинг гапи қалбимдаги армонларимни кўзгаб юборди. Йиғидан бошимни кўтариб эримнинг кўзларига қараганча, дедим: "Аҳрор ака, мен оч қолдим, деб йиғлаётганим йўқ. Ахир мен ҳайвон эмасман-ку, еб-ичиб, ётиб-туриб кетаверадиган. Мен инсонман. Инсонда эса орак, қалб, кўнгли орзу армонлари бўлади. Бас, шундай экан инсон боласининг кўнгли ёлғизликка чидай олмайди, қани айтинг-чи мен қачонгача шундай яшашим керак? Ун кундан бери уйга кирганингиз йўқ. (Келганда ҳам эрим ҳеч қачон кўнглини очиб гапирмас эди) Шу юришингиз ўзингизга ёқадими, ёки ҳаётингизда мен билмаган ўзга "ҳаёт" ҳам борми? Балки бошқа бир аёлни яхши кўрасиз. Бутун борлигингиз, меҳрингизни ўша аёлга бахшида қилгандирсиз? Мени ҳеч нарсани тушунмайди, деб ўйладингизми?! Жанжал-тўпалон қилади, кишлоққа бориб ота-онамга аятади, деган ҳаёлга борасизми? Йўқ, ундай қилмайман. Мен фақатгина бошимни олиб кетаман. Сизнинг йўлингизни очиб, кетаман"...

(Давоми бор).

**Зебонинг дил ихзорини
Нафиса АННАЕВА ёзиб олди.**



Ў.ҲАКИМАЛИ —
60 ЁШДА

ҲАЗАЛЛАР

Сархуш эрдим бир кўрмақдан, сархуш эрди етти иқлим,
Не мақомлик кун эрдиким, чин нисорлик тушди жонга.

Оҳлар урдим телбо янглиг ишқ гулшанин босди фарёд,
Парда тортгач оразига ғамгузорлик тушди жонга.

Билмам қандай гулшандур ул, билмам қандай паридур ул,
Хабар билмас фано ҳаргиз, чун бедорлик тушди жонга.

Сехрлабон хурлар каби айлагач ишқ гулшанин,
Ёш ўрнидан оқди қонлар лозазорлик тушди жонга.

Бу не маму, бу не қайғу толе топмай яна Ўктам,
Қон йиғласа эмди не тонг, хору зорлик тушди жонга.

Улуғ бир шаън ҳазон жонон, ишқ бобида харидор йўқ,
Шаън мулкида олий нишон висол истар лозазор йўқ.

Ифбат шаънин тош-сарвари безак ўлмиш қай қулбага,
Ул қулбанин харидори унут бул кун интизор йўқ.

Шаън гулшанин гули сўлган, булбуллари қон йиғламиш,
Гулшансиз ул, булбулсиз ул ғамхонага ғамгузор йўқ.

Абри найсон кунин кутар, насиб ўлса улуғ бир шаън,
Ул шаънгаким нисор ўлсин, лек жажонда хур нисор йўқ.

Жони нисор, қони нисор, ёши нисор, шаъни нисор-
Паризотни умид этган бул ошиққа зор хумор йўқ.

Номусгаким олий нишон, толиби ёр, ифбатий шаън,
Толесиз ул ифбат кундан хотир ўлсин бир тумор йўқ.

Ўктам эрди улуғ бир шаън, барбод қилди ифбатсиз шаън,
Шул мақомким, ҳазон ул шаън, мотам куни бир дийдор йўқ.

Менинг дадам шоир, ёзувчи, журналист Адҳам Ҳамдам дилқаш, меҳрли қалб эгаси сифатида замондошлари хотираси тўридан ўрин олган. Мана бу хотиралар, у кишини билган, севган ва қадрлаган азиз инсонлардан ёзиб олинган...



БОШИДАЯМ КЕПКА, ҚЎЛИДАЯМ КЕПКА...

- Адҳам ака вакил бўлган колхозга марказдан комиссия келадиган бўпти, дея ҳикоя қилади журналист Ш.Зухриддинов.
- Ҳар тарафлама хушёр бўлиш мақсадида атрофни жиддий кузатувдан ўтказишга киришиб кетибди. Лоқайдлик-да! Қараса идора олди саҳнига ўрнатилган "доҳий" бошидаги кепканинги ярми синиб тушиб кетган. Колхоз мафкура раҳбарини

ка ҳолда турганини кўрмаганман. Қойил!

Адҳам ака бундай қараса, ҳақиқатдан ҳам шундай. У сирни бой бермай қувликка ўтибди:

- Биласизми, дўстим, доҳиймиз мабодо йўқотиб қўйсам асқотади, деб запасга оливолганда, запасга, - дея Адҳам ака қулиб турганмиш.

ЎША ДИЛҚАШ, МЕҲРАИ БИР ҚАЛБ...

чакирибди:

- Жонингиздан тўйганмисиз, яшашдан умидингиз борми ўзи? Ернинг тагидан бўлсаям топинг, бош кийимини ўзгартиринг.

Мафкура котиби омборхонани титипитисини чиқариб юборибди. Қараса, бахтига у ерда "доҳий"нинг иккинчи ҳайкали ҳам бор экан. Тунда унинг бош қисмини қирқиб олиб, идора олдидаги ҳайкалга ўрнатиб, Адҳам акага сим қоқибди:
- Ҳаммаси бўлди, ишлар жойида...

Адҳам ака эртасига казо-казолар билан келиб ҳайкалга қараса бинойидек.

Уларни мағрур ичкарига бошлар экан, комиссия аъзоларидан бири ҳайкалга боққанча таажубда турган эмиш.

- Жуда яхши ишлаганда, ҳайкалтарош, - дея унинг биқинига кирибди Адҳам ака.

- Қаранг-а, - дея улга синчков боқибди боғи меҳмон. - Доҳийнинг жуда кўплаб ҳайкалларини кўрганман-у, лекин унинг бошидаям кепка, қўлидаям кеп-

БЕЛИНИ УШЛАБ КЕЛГАН АСИР

- Мен Адҳам аканинги уруш йилларидан ҳикоя қилиб берган бир латифасини ҳаммиша эсламан, - дейди журналист Санъат Маҳмудова. - Бир куни бугдойзорни оралаб бориб, бир фашист соқчисини асир олдик, - деган эди Адҳам ака. - У лаънати ўларча кўппак экан. Қошиш учун йўлда бир-икки уриниб типирчилаб қолди. Шунда пичокни қундан суғуриб, шимининг камарини орқа томондан шарт кесиб қўйдим. Шундан кейин икки қўли шимини кўтариб туриш билан банд бўлди-ю, хархашани бас қилиб, олдимизга тушиб келаверди.

Командиримиз уни кўриб "асир фақат қўлини кўтариб келарди, белини ушлаб келадиган ҳам чиқибди-да", деб роса қулибди.

Пўлат ҲАМДАМ.

Суратда Адҳам Ҳамдам рафикаси Озодаҳоним билан, 1980 йиллар. Фарғона.

СИР САҚЛАШНИ БИЛАСИЗМИ?

(АЁЛЛАР УЧУН ТИЗИМ)

1. Сиз янги бир гилам сотиб олмоқчисиз! Шу ниятда гилам дўконига кирдингиз. Лекин сизга турли рангдаги учта гилам ёқиб қолди. Қайси рангли гиламни сотиб оласиз?

- а) қизил - 6 бал;
б) ҳаво ранг - 2 бал;
в) сариқ - 5 бал;

2. Сизни меҳмондорчиликка таклиф этишди. Қандай либос киясиз?

- а) ҳар кунги кийимда - 3 бал;
б) алоҳида кечки либос - 1 бал;
в) узун юбка - 2 бал;

3. Сиз тўсатдан кўпдан бери кўрмаган яқин бир танишингизни учратиб қолдингиз. Ўзингизни қандай тутасиз?

а) жуда ҳам соғингандек кўришаман - 4 бал;

б) енгил қулиб қўлимни узатаман - 3 бал;

в) мени танирмикин деб аста кўришаман - 1 бал;

4. Меҳмондорчиликда меҳмонлардан бири сизга ёқиб қолди. Нима қиласиз?

а) дугонамдан таништириб қўйишни илтимос қиламан - 6 бал;

б) ўзим у билан танишиб оламан - 8 бал;

в) ўз-ўзидан ўзаро суҳбат юзага келишини кутаман - 4 бал;

5. Кечки пайт телевизор кўриб ўтирганингизда кўшни хонадонда шовқин кўтарилди. Сиз нима қиласиз?

а) ажратиш учун тез боришга ҳаракат қиламан - 5 бал;

б) эътибор бермайман - 3 бал;

в) телевизорни пасайтириб қулоқ тутаман - 6 бал;

6. Танишларингиздан бири туғилган кунингиздан бир неча кун олдин сизни табриклаб совға ҳадя этди ва уни туғилган кунингизда очиб кўришни илтимос қилди. Сиз нима қиласиз?

а) ўша захотиёқ очиб кўраман - 7 бал;

б) туғилган кунда очаман - 4 бал;

в) қандай қилиб бўлса ҳам нималигини аниқлаб оламан - 4 бал;

7. Ортиқча вазингиз сизни ташвишлантирадими?

а) ҳеч қачон - 3 бал;

б) баъзан озишга ҳаракат қиламан - 6 бал;

в) ташвишланаман - 7 бал;

8. Қандай таомларни хуш кўрасиз? Меҳмондорчиликда кўнглингиз тусаган нозу-неъматларни тановвул қилишдан уялмайсизми?

а) ўзимни тортиб тураман - 3 бал;

б) хоҳлаганча олиб ейман - 2 бал;

в) умуман емайман - 4 бал;

Энди тўлган натижаларга кўра сир сақлаш қобилиятингизни синаб кўраман.

Агар тўлган балингиз 25 тага етмаса, демак сиз билан дўстлашиш мумкин. Чунки сиз сир сақлашга устасиз. Ҳар қандай миш-мишлар сиздан нари ўтмайди. Ўз ишингиз ҳақида атрофдаги танишларингизга жуда ҳам кам гапирасиз. Шундай бўлса-да сиздаги ажиб бир латофатни ҳеч ким инкор этолмайди.

Агар сиз тўлган бал 25 тадан ошса-35 тадан кам бўлса сиз тез ва осонлик билан янги танишлар орттирасиз. Чунки сизда одамларга доимо ёрдам берадиган ажиб бир хислат мавжуд. Сизни танишларингиз очик қалб эгаси дейишади. Йўл қўйган хатоларингиз ҳақида ҳеч уялмай гапириб берасиз. Қизиқарли воқеалар билан танишларингиз, дугоналарингизни ҳам воқиф этасиз. Улар ҳақида бўлса, улар ҳақида ҳеч ёмон гап гапирмайсиз.

Агар танишларингиз у ёки бу нарсани гапириб, бу гапни сир тутишни сиздан илтимос қилса сизда бу илтимосни охиригача бажариш борасида кат-

та салоҳият бор.

Агар сиз тўлган бал - 35 тадан-45 тагача бўлса олдиндан айтиб қўйишимиз керак-ки, сиз давраларингиз энг сеvimлисиз. Чунки даврани доим ўз ҳикояларингиз билан гуллатиб юборасиз. Бирор бир миш-миш ёки гийбат қулоғингизга чалинса виждон амрига қарши юриб уни бошқача бир шаклларда давраларда айтиб юборасиз. Кейин эса қилган ишингиздан пўшаймон бўлиб юрасиз. Шуниинг учун бўлса керак, характерингиздаги бу хусусиятни билган яқинларингиз сизга ўз сирларини айтишни лозим деб билмайдилар.

Иzzат АХМЕДОВ
тайёрлади

Самарқанд вилояти ҳокимлиги ва Хотин-қизлар қўмитаси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Фуломовага умр йўлдоши

Зоҳиджон УСМОНОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Оила ва жамият

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Кўлөзмалар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Телефонлар:
Бош муҳаррир — 133-28-20
Котибият — 34-86-91

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.
Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.35
Босишга топширилди - 21.15

ҲОМИЙ

«Матбуот тарқатувчи»
акциядорлик жамияти

ОБУНА ИНДЕКСИ - {якка обуначилар учун 176
ташкilotлар учун 177

Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0650
33144 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма тобок.
Баҳоси эркин нарҳда.
Расмом — Н.ХОЛМУРОДОВ.
Навбатчи — Ф.ТОҶИРОВА.